

**Р.М. Абдуллаев, М.М. Мирзаев, У.Я. Набиев,  
Ш.М. Аброров, У.А.Бекчанов, Ф.Г. Махмудов**

# **УЗУМ ЕТИШТИРИШ ВА МАЙИЗ ҚУРИТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ – 2013**

УЎК: 634.8(575.1)

КБК: 42.36

У – 29



**USAID**

Уибу қўлланма USAID (Америка Кўшима Штатлари Халқаро ривоҷлантириши агентлиги) томонидан моллаштирилаётган Aglinks лойиҳаси ҳамда P.P. Шредер номли бодгорчлик, узумчилик ва виночилик илмий текшириши институти ҳамкорлигига тайёрланди.

У – 29

Узум етишириш ва майиз қуритишнинг замонавий технологияси. – Тошкент: «Sharq», 2013. – 1446.

ISBN 978-9943-26-121-1

УЎК: 634.8(575.1)

КБК: 42.36

ISBN 978-9943-26-121-1

2014/6

A

352

**Alisher Nevoiy**

nomidagi

O'zbekiston MK

© «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти, 2013 й.

## МУНДАРИЖА

Кириш .....	4
Токнинг ривожланиши .....	6
Токзор майдонини тайёрлаш, тупрокқа ишлов бериш ва ток кўчатларини ўтқазиш .....	16
Ёш токзорларни парваришлаш .....	21
Хосилли токзорларни парвариглаш .....	22
Ток тупига шакл бериш, кесиш ва хомток қилиш .....	25
Турли усулларда симбағазда ток ўстириш .....	34
Токни тўғри кесиш ва парвариш қилишнинг ахамияти .....	40
Тупрокқа ишлов бериш .....	90
Суғориш .....	91
Токларни ўғитлаш ва уларни ўғитга бўлган талаби .....	101
Токзорларни қайта тиклаш .....	110
Хосилни йиғиштириш, ташиш .....	113
Токзорларни заараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш .....	116
Ток кўчатзорларини ташкил қилиш .....	128
Пайванд қилиш .....	133
Узумни қуритиш усуллари .....	135

## КИРИШ

Республикамизда узумчиликни ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Махкамаси томонидан ахолини озик-овқат маҳсулотлари билан тўлик таъминлаш, кайта ишлаш саноатининг талабини кондириш ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 январдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иктисолий ислоҳотларни чукурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПФ-3709-сонли фармони ҳамда 2006 йил 11 январдаги ПҚ-255-сонли карори мамлакатимизда мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилишда янги босқични бошлаб берди.

Ушбу карорга ва ундан кейинги қабул қилинган меъёрий ҳужжатларга асосан мева-сабзавотчилик ва узумчиликни ривожлантириш, бу жараёнда фермер ҳўжаликларининг ўрни ва ролини кўпайтириш, ишлаб чиқаришни молиялаштириш, таъминот ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш тизимли равишда йўлга қўйилди.

Узумчиликка ихтисослашган ширкат ҳўжаликларини фермер ҳўжаликларига айлантирилиши, мамлакатимизда узумга бўлган эътиборни янада кучайтириб, уларнинг ҳосилдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини кўтариш ҳамда узум маҳсулотларини кайта ишлаб, уларни чет элга экспорт килиш имкониятлари яратилди.

Энди соҳибкор фермерлар зиммасига узум етиштиришда узум ҳосилдорлигини кескин кўтариш, маҳсулот сифатини яхшилаш, кишишиб ва майиз тайёрлаш ҳажмини ошириш, ахолини ҳамда қайта ишлаш саноатини хом-ашё билан тўлик таъминлаб, юкори сифатли маҳсулотни четга чиқариш юклатилади.

Бундан ташқари, республикада узумчиликни янада ривожлантириш, токзорлар майдонларини кенгайтириш ва уларни худудларнинг тупрок-иклим шароитларини хисобга олган

холда, окилона жойлаштириш, узумчиликнинг илмий базасини мустаҳкамлаш, янги истиқболли ва серҳосил навларни жорий этиш, шунингдек узумни кайта ишилаш хажмини кенгайтириш ва экспорт салоҳиятини кўпайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 13 марта даги “Республикада 2013–2015 йиллар давомида узумчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–1937-сонли карори қабул қилинди.

Ушбу қарорга асосан республикада 2013–2015 йилларда 22,5 минг гектар янги токзорлар барпо этиш ҳамда 15,7 минг яроксиз токзорларни реконструкция қилиш режалаштирилган.

Республикада кейинги 5 йилда (2009–2013 йй.) давомида 17,2 минг гектари барпо этилиб, 23,8 минг гектар токзорлар реконструкция қилинди.

Узумчиликни юкори поғонага кўтаришда фермерлар фан ютуклари ва илғор тажрибаларни ўз вактида ва юкори агротехника даражасида амалга оширишлари зарур. Тупроқ-иклим шароитларининг қулиялиги, ажойиб узум навларининг мавжудлиги, улардан юкори, мўл ва сифатли ҳосил олиш имкониятини беради.

Узум ва майиз этиштириш илмий нуктаи назардан ўзига ҳос хусусиятларга эга меҳнат талаб этадиган жараёндир. Юкори сифатли кўп ҳосил этиштириш учун боғбон-соҳибкорлар ўз монтакасига ҳос бўлган узум навларини назарий билимлари ва кўп йиллик амалий кўнникмаларини бирга ҳамоҳанг қўллаши керак бўлади.

Ток парвариши давомидаги ҳар бир ишлов ҳосил миқдорига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Ушбу қўлланмада боғбон-соҳибкорлар дуч келиши мумкин бўлган физиологик, фитопатологик ва экологик масалалар ҳакида сўз юритилади.

## ТОКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Узум гуллари тўпгул кўринишида ривожланиб, уларнинг жамламаси рўвакни (1) (шингилни) ташкил этади, рўваклар эса ўз навбатида ўзаро битта ўқ бандга туташиб шўра (2) ҳосил бўлади. Шўра келгусида ривожланиб, узумбошга айланади. Аксарият ток навларида тўпгуллар эркак ва урғочи гулларга эга бўлиб, ўзаро чангланаверадилар ва чангланиш жараёнида ҳашаротлар ва шамол каби ташки омилларга катта талаб туғилмайди.



Узум тўпгулларининг умумий  
кўриниши.

1 – рўвак (шингил), 2 – шўра.

Мева туғиш деб гулларнинг меваларга айланишига айтилади. Кўп холларда тўпгулда жойлашган гулларнинг 20–30 фоизигина ривожланиб, мевага айланади. Узум мева донаси ғужум деб юритилади, ғужумлар ҳам худди гуллар каби ўзаро бирикиб шингилларни, шингиллар эса узум бошларини ҳосил қиласи.

Биофизик талаблар – ғужум ривожи учун энг қулай ҳарорат даражаси  $25^{\circ}\text{C}$  атрофидадир; ҳароратнинг бундан

ортиб ёки тушиб кетиши ғужум ўсиш суратини пасайтиради. Шунингдек, узум боши жойлашган худудга қүёш нури тушиш даражаси ҳам ғужум ривожида мухим аҳамиятга эга: ёргулук ғужум хўжайларни бўлинниб ривожланишини кучайтиради.

Узум таркибий қисмининг асосини ташкил қилувчи шакар фотосинтез натижасида баргларда ҳосил бўлиб, сўнгра ғужумларга келиб тўпланади. Ток ривожланиши мавсумида озука ва сув етишмаслиги физиологик тартибсизлик келтириб чиқариши ва натижада фотосинтез сурати пасайиши мумкин, бу эса ўз навбатида ғужумларга узатиладиган шакар ва бошқа озукалар микдорини камайтириши мумкин.

Токда узумбошлар сонининг ҳаддан зиёд кўп бўлиши ғужум ҳажмини кичрайтириб, таркибий сифатига жиддий зарар етказиши мумкин. Бунга сабаб, гарчи баргларда фотосинтез тўлақонли кечса ҳам, уларда ҳосил бўладиган озукалар узумбошлар учун етарли бўлмайди.

Ўсиш мавсуми давомида токни сувсиз қолдириш ғужум ҳажмини кичрайтиради. Ғужумлар айникса гуллашдан кейинги 2–3 хафта давомида рўй берадиган жадал ўсиш даврида сувсизликка таъсирчан бўладилар.

Ток новдасининг ривожи унинг генотипи ва ташки мухитга, тўғрироғи бу иккисининг ўзаро уйғунлашивига боғлик. Ташки мухит токнинг ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсир қилувчи кўплаб омиллардан иборатdir. Ток танаси ва новдаларининг озука сўриши, ўсиб ривожланиши, моддалар алмашинувини амалга ошириши, гул ва мева ҳосил килиши мобайнида бир қанча физик ҳамда кимёвий жараёнлар рўй беради. Ток танасининг соғлом ривожланишида мухим ўрин тутувчи энг асосий жараёнлар парланиш (буғланиш), фотосинтез, нафас олиш, сув ва озука сўриб олиш, шунингдек, тананинг бир қисмидаги озукани иккичи қисмига етказиб бериш (транслокация) кабилар киради. Ток новдасининг ўсиб, ривожланиб ҳосилга кириши унинг керакли бўлган озукалар, углеводлар, ўсиш гормонлари ва сувни уйғунликда бирдек олаётганлигининг натижасидир.

Ўсимликлар ривожи ўзига ҳос мураккаб ходиса. Ўсиш хўжайлар бўлинниши, чўзилиши, кенгайиши ҳисобига амал-

га ошади. Ток танасидаги қисмларнинг шаклланиши ва новдаларнинг узунасига ўсиши учки меристема (хужайра ва тўқималар ажратиб чикариш ҳисобига ўсишни таъминловчи ўзимлик тўқимаси)да амалга ошади. Тана, илдиз ва новдаларнинг энига ўсиб йўғонлашуви сертомир камбийдан ривожланадиган янги тўқималар ҳисобига рўй беради. Тана ичкари қисмида жойлашган хужайралар катталапиб қсилема, яъни ёғоч қисмни ташкил қилувчи тўқималарга айланади. Тана ташки томонида жойлашган хужайралар эса катталашиб флоэмса, яъни пўстлок қисмни ташкил қилувчи тўқималарга айланади. Ток новдалари ўз ривожи учун зарур бўлган қувватни фотосинтез жараёнида углеводларнинг оксидланиши натижасида олади. Баҳорда куртаклар ёзилиши оптималь даражада кечиши учун ток новдалари қишки уйқу даврида ўзларига керакли бўлган совуклик микдорини олишлари керак. Токлар одатда эрта баҳорда кунлик ўртача ҳарорат  $10^{\circ}\text{C}$  атрофига чиқиши билан қишки уйқудан уйғона бошлашади. Куртаклар ёзилгандан сўнг, ток новдалари бир ойгача ҳафтасига 25–30 см гача ўсиб ривожланиши мумкин. Узум ғўраларининг дастлабки ривожланиш боскичидан сўнг ўсиш суратлари сустлаша бошласада, етарлича тупрок намлиги ва ҳарорат таъминлаб турилганда ток новдалари ривожланишдан тўхтаб қолмайди.

Куртак ёзилиши ва дастлабки новдалар ривожи учун озука қувватни токлар илдиз ва танасига йифилган углеводлардан олади.

Ток ривожи йил давомида бир нечта боскичлардан ўтади. Бу боскичларни яхшилаб билиб олиш ток парвариши оркали сифатли, кўп ҳосил етиштириш учун мухим аҳамиятга эга. Ток ривожи ўсиш мавсумида рўй берадиган бир нечта мавсумий ўзгаришлар кетма-кетлигидир. Ўсиш мавсуми баҳорда куртаклар ёзилиши билан бошланади, сўнгра тезкор ўсиш ва ток юкори қисм ривожланиши рўй беради. Куртаклар ёзилгандан сўнг ёш новдаларда тўп гуллар пайдо бўлиб, узум бошлар ривожлана бошлайди. Узум меваларининг етилиши ёз ўрталарида бошланиб, кузда ғарк пишиши билан тугайди. Токларда хазонрезги кеч кузда содир бўлади ва биринчи совук тушиши билан токлар қишки уйқуга киради.

Умуман олганда токнинг бир йиллик ривожини З турли жараённинг жамламаси сифатида ҳам тасвирлаш мумкин: новдаларнинг ўсиш жараёни, мева етилиши ва келгуси мавсум учун куртак ҳосил бўлиши. Ток юкори қисмида новдалар ўсиб ривожланиши бир мавсум давомида рўй берса, куртак ҳосил бўлиши ва мева етишиши бир мавсумда бошланиб, иккинчи мавсумда тугайдиган жараёндир. Биринчи мавсумда новда бўғимларидан чиккан караҳт куртакларда бошланғич тўп гуллар пайдо бўлади ва бу гуллар кейинги мавсум бошида куртаклардан очилиб, мевага айланадилар. Бундан чиқадики, токда етиладиган узум бошлар микдори ва ҳажми бир йил аввалги мавсумда белгилаб олинса, узум доналарининг ҳосил бўлиши ва ривожланиши эса иккинчи мавсум давомида рўй беради.

Фотосинтез ўсимликлар баргida юз берадиган жараёндир. Бунда баргдаги хлорофил доначаларида карбонат ангидрид ва сув қуёш нури таъсирида ўзаро реакцияга киришиб, ўсимлик ривожи учун муҳим бўлган озукавий энергия ҳосил бўлади. Ўсимликлар учун шакар энг асосий озука бўлсада, фотосинтез жараёнида бошқа углеводлар, оксил ва ёғлар ҳам ҳосил бўлади. Шакар асосан сахароза кўринишида ҳосил бўлиб, бир қанча ўзгаришларни бошидан кечиради. Шакарнинг маълум бир қисми оксидланиб, ток новдаларининг ривожланишига сарф бўлади. Дарҳол сарф бўлиб ултурмаган қисми эса ток танаси, илдизи, новдаси ва меваларидаги маҳсус тўқималарда йиғилиб, глюкоза ва фруктоза каби углеводларга айланади. Ғарк пипиб етилган узум доналаридаги шакар моддаси айнан шу углеводлар кўринишида бўлади. Шунингдек, шакар ток ривожи учун энг асосий озука манбаи крахмалга ҳам айланиб сақланиши мумкин. Шакарнинг озука йиғишга ва угловодлар синтезига сарф бўлгандан ортиб қолган қисми оқсил, ёғ ва бошқа моддаларга синтезланиши мумкин.

**Токнинг ўсиши ва ривожланишига ташқи мухитнинг таъсири** – Токда кечадиган фотосинтез суратига у жойлашган ташқи мухит хусусан, ёруғлик, ҳаво ҳарорати, карбонат ангидрид концентрацияси ва намлик даражаси каби ташқи омиллар катта таъир кўрсатади. Айнан шу ташқи омиллардан келиб чиқиб, ток парвариши йўлга кўйилади.

Ёруғлик ток ва бошқа ўсимликларнинг ўсиши учун мухим факторлардан бири хисобланади. Ёруғлик барча ўсимликларда фотосинтез учун энг мухим иштирокчидир, яъни баргда органик моддалар пайдо бўлишида аҳамияти каттадир. Ток баргларида фотосинтез сурати барг юзасига тушаётган ёруғлик кучайиши билан ошиб боради. Ёруғлик кучи маълум бир даражадан ошгандан кейин у фотосинтез суратига ортиқ таъсир кўрсатмай қўяди. Бу ёруғликка тўйиниш нуқтаси (даражаси) деб юритилади.

Баъзи бир барглarda ёруғликка тўйиниш содир бўлсада, бутун бошли ток ҳеч качон күёш нурига тўйинмайди. Бунинг сабаби қўёш нури токнинг барча барглariга бирдек етиб бормайди, куйи кисмида жойлашган барглар юкори кисм соясида колиб кетади. Юкори кисми зич ўсиб кетган токларда баргларнинг бир-бирини ўзаро тўсиб, салқин қилиб қўйиши жиддий холатdir, чунки барг ўз спектридаги 90% ёруғликни ютиши мумкин. Токнинг юкори кисмида зич жойлашган барглар ёруғликни куйи кисмiga ўтишига тўскинилик килибгина колмасдан, ёруғлик учун ўзаро курашишлари ҳам мумкин. Ток куйи кисми одатда керакли ёруғлик микдорини ололмайди. Ток юкори кисмидаги барглар микдори кун вакти, ток ривожи босқичи ва қўтариш усулига (симбағаз, ишком, икки томонлама симбағаз, сўри кабиларга чирмаштириб ўстириш) караб умумий ток баргларининг 20% дан 40% гача кисмини ташкил қилиши мумкин. Бу дегани 60-80% барг сояда колиб кетиши мумкин. Токда фотосинтез жараёни орқали ҳосил бўладиган углеводларнинг 70% юкори кисм ташки томонида ёруғликка яхши юзланиб жойлашган барглардан келади, колган 30% эса сояда жойлашган барглarda ҳосил бўлади. Шунинг учун ҳам, токнинг барча кисмларига, айникса, куйи кисмларига ҳам ёруғлик яхти етиб боришини таъминлаш мухим аҳамиятга эга.

Ёруғликда ток новдалари тез ўсади, ривожланади ва кеч кузга келганда чиникиб пишади. У 10–15°ли совукка бардош бера олади. Күёш нури яхши тушмайдиган соя ерларда ғовлаб кетади, барглари нозиклашиб ўсади ва узум боинлари майдалашиб, гужумлари рангсиз ва камшакар бўлиб етилади. Соя-салқинда ўсан токларда Ўрта Осиё шароитида кўпинча оидиум касаллиги учрайди.

Аксинча, ток шох-шаббаларига эртаю кеч күёш нури тушиб турса, тупроқда нам етарли бўлса, ток новдалари кучли ўсади, барглар ҳам яхши шакланади, бир йиллик новда бўғимларидан куртаклар чикади ва келгусида бундай токлар мўл ва сифатли хосил беради.

Ток жуда сояда қолганда барглари сарғаяди, гул ва ғужумларига углеводлар етарлича келиб турмаганлигидан уларнинг кўпчилиги тўкилиб кетади.

Тошлок ва ер ости суви юза жойлашган участкаларда ток илдизи ерларнинг пастки чукур қатламларига эмас, балки ер ости юза қатламларида ёйилиб ўсади. Ер ости суви юза жойлашган ерларда кучли ўсадиган ток новдалари кўпинча говлаб кетади.

Ўртacha суткалик температура  $10^{\circ}$  бўлганда ток куртаклари бўрta бошлайди, температура  $11-12^{\circ}$  бўлганда эса куртаклар барг ёзади. Шу сабабли  $10^{\circ}$  температура токнинг ўсиши учун биологик ноль қабул килинган. Кузда ўртacha суткалик температура  $10^{\circ}$  гача пасайганда токнинг ўсув даври тугалланиди, барглар тўкила бошлайди. Шунга кўра токнинг ўсиши ва хосил бериши учун  $10^{\circ}$  ва ундан юқори ҳарорат актив хисобланади.

Температура  $28-30^{\circ}$  бўлганда новдалар зўр бериб ўсади,  $40^{\circ}$  дан юқори температура токка ёмон таъсир қиласи, яъни ўсиши сустлашади.

Ток танасида шира ҳаракати март ойининг ўрталаридан бошланади. Токнинг эртаги, ўртаги ва кечки бўлишидан катъий назар куртаклар апрель ойининг бошларидан бўрta бошлайди. Ток май ойининг иккинчи ярмидан бошлаб гулга киради ва бу икки хафта ичидаги бутунлай тугайди. Гуллашдан то хосил етилгунча бўлган муддат ток навларига боғлиқдир.

Ҳарорат ҳам ток баргларидаги фотосинтез жараёнига бевосита таъсир кўрсатади: ҳарорат таъсирида фотосинтез жараёни учун муҳим бўлган барг ҳужайраларидаги ферментли реакциялар сурати ошади. Ток баргидаги фотосинтез учун энг яхши ҳарорат  $25^{\circ}\text{C}$  ва  $30^{\circ}\text{C}$  даражада орасида. Бундан куйи ёки юқори ҳарорат даражаси фотосинтез суратини камайтиради. Барг ҳарорати  $10^{\circ}\text{C}$  даражага тушеб кетиши баргларда фотосинтез тўхтаб қолишига сабаб бўлади,  $40^{\circ}\text{C}$

даражага күтарилиб кетиши эса фотосинтез самародорлигина 25–40% га камайтиради. Юкори даражадаги ҳарорат токларда сувсизланип рўй беришига олиб келади, натижада барглардаги газлар алмашинувини таъминлайдиган тешикчалар ёпилиб колади, чунки бу тешикчаларни токдаги сув назорат килиб туради. Газлар алмашинуви эса фотосинтезнинг ажралмас кисмидир. Шундан хulosа қилиш мумкинки, сув танкислиги фотосинтез суратининг тушиб кетишига олиб келади. Шакл бериш, уни маълум бир усулда ўстириш, қаторлар йўналишини белгилаш, юкори кисмини назорат қилиш, минерал ўғитлар солиш, суғориш ва сув таркибий сифати каби ток парваришига оид юмушлар токдаги фотосинтез жараёнига катта таъсир кўрсата олади. Шарқ ва ғарб йўналишида қаторланган токзорлар шимол ва жануб йўналишида қаторланган токзорларга караганда камрок күёш нурини олади. Шарқ ва шимол йўналишида қаторланган токларнинг жанубий кисми эрталаб ва кеч тушки соатларда камрок ёруғлик ютса, шимолий кисми деярли бутун кунни салкинда ўтказиши ҳам мумкин. Токларнинг юкори кисми оладиган ёруғлик миқдори биринчи ўринда уларга қандай усулида шакл берилганлигига боғлик. Кўп токзорларда ёруғликнинг ток ички кисмига етиб боришига аҳамият берилмайди, бу эса фотосинтез жараёнига жиддий заар етказади. Фотосинтез жараёнини ишга туширувчи нурнинг 80–90% ток юкори кисмидаги барглар томонидан сўриб олинади, колган кисми эса ток ичкари кисмига ўтади, ёки юкори кисмдаги баргларга урилиб орқага қайтади. Токларнинг самарали ёруғлик олиши учун юкори кисмини баланд ва ёйиб ўстириш усуллари ишлаб чиқилган. Тик симбағазларга кўтарилиган токлар ишком, сўри, икки ёклама симбағаз усулида кўтарилиган токларга караганда камрок ёруғлик оладилар: бунда юкори ёйилган кисмда жойлашган барглар кўпроқ ёруғлик ютиш имконига эга бўлади.

Ток ривожи ва хосилдорлигига минерал ўғитлар мухим аҳамиятга эга. Азот ва магний моддалари хлорофилл молекуласининг ажралмас кисмларини ташкил қиласиди. Шунингдек, азот моддаси фермент оксиллар таркибига ҳам

кириб, айнан шу фермент оксиллар фотосинтез жараёни давомида қүёш энергиясини кимёвий энергияга, карбонат ангиридидни эса углеводларга айлантиришда иштирок этадилар. Темир моддаси хлорофиллни синтезлаш жараёни учун талаб килинади. Калий ва рух моддалари биргаликда ферментларни фаоллаштириш учун керак бўлади, бу моддаларнинг етипи-маслигидан хужайралардаги моддалар алмашинуви жараёни-нинг бузилишига олиб келади.

Токни суғориш унинг илдизидан тортиб юкори шохлари ривожигача бирдек муҳим аҳамиятга эга бўлиш билан бирга узумзор микроклиматига ҳам таъсири бор. Ток етар-лича барглар билан копланиши учун у ўзига керакли сув микдорини олиши лозим. Суғориш жараёнида сув таркибий сифатига ҳам эътибор бериш керак. Ток новдалари юкори шўрлик даражасига анча таъсирчан ҳисобланади. Тупрок ёки сув таркибида тузнинг кўп бўлиши осмотик босимни вужудга келтириб, илдизлар тупроқдан сўриб олган сувни танага чикариб бера олмайдилар. Ўсимликлар сув таркибий концен-трациясини ўз таналарининг барча кисмларида бирдек ушлаб туриш хусусиятига эга. Шунинг учун шўрлик даражаси юкори бўлган сувни ток юкорига тортиб ололмагач, илдиздаги сув концентрациясини пасайтириш учун ток новдала-ридаги сувни сўриб олиб, илдизга юбориши мумкин. Бунинг таъсирида эса ток юкори кисми ривожланиш учун энг асо-сий омиллардан бири сувни йўкотиб, новдалар бужмайиб колади. Сув таркибида ион ҳолатида учрайдиган натрий ва хлорид моддалари микдорининг ҳам меъёрдан ортиб кетиши токни қуритиб кўйиши мумкин. Умуман олганда, аксарият ўсимликлар учун сув таркибидаги тузларнинг ошиб кетиши ўсиш суратини пасайтириб, хосил микдорини камайтиради.

## **Токнинг тузилиши ва ривожланиши**

Винобоп ток навлари хўраки ток навларига нисбатан совукка анча чидамли бўлади. Винобоп токларни совук уриб кетганда ҳам у қайта кўклаб бачки новдалар чикаради ва у кузгача яхши парвариш қилинса нормал етилади.

### **Токнинг танаси.**

Тиним даврида ётган куртаклардан чиқкан новдалар сурх ёки бачки новдалар дейилади. Улар бир йиллик бошқа новдаларга нисбатан йўғонрок бўлиши билан фарқ киласди.

Ёш ўсувчи новдалар яшил, ўтсимон ва мўрт бўлади. Сув билан яхши таъминланган ерларда бу новда бир томонга эгилиб туради, ўсишдан колгандан кейин эса учи тўғриланиб колади.

Шўра ёки узум бошлари хосил новдаларида пастдан хисобланганда одатда учинчи, олтинчи бўғимда барглар каршисида жойлашади. Шўрадан юкори бўғимларда жингалак ўсиб чикади. Хосилсиз новдаларда у иккинчи ва учинчи бўғимдан бошлаб ўсади. Ҳар бир новдада ток новдаларига ва уларнинг хосилдорлигига караб ўртacha 1 тадан то 2–3 тагача ва ҳатто ундан ҳам кўпроқ жингалак бўлиши мумкин.

Жингалаклар токнинг чирманиш органи хисобланади. Ток мана шу жингалаклар ёрдамида дараҳт ёки бошқа тиргакларга чирмапиб, юкорига караб ўсади. Жингалаклар бирор тиргак ёки дараҳтга яқинлашмаса, кейинчалик улар кўк холида аста-секин тушиб кетади.

**Барг.** Барг банднинг узунлиги ва барг шапалоғининг шакли ток навларига караб ҳар хил бўлади. Ток барги кўпинча 3 ёки 5 панжали бўлиб, ҳар бир панжа ўртасида ўйиклар бўлади. Барг сатхи силлиқ, буришган, каварган, тиришган, тукли ёки туксиздир. Барг шапалоғининг орка томони кўпинча туклар билан копланган бўлади.

Ўсимликда сув асосан барглар оркали буғланади, бу эса ўсимлик танасида температуранинг бир оз пасайишига олиб келади ва унинг ҳаддан ташқари қизиб кетишдан сақлайди.

**Шўра ва гул** – шўра ўтган йилларда ўсан новдалардаги хосил берадиган куртакларда шаклланади. Ўзбекистон шароитида куртакларда шўра бошланғичи тахминан майнинг

иккинчи ярмида пайдо бўла бошлайди, бу токнинг гуллаш пайтига тўғри келади.

Шўра одатда новданинг 3–7 бўғимларида – барғ тўғрисида жойлашади. У новданинг пастки томонига қанчалик якин бўлса, новдада шўралар шунча кўп бўлади.

Нормал ривожланган шўра мураккаб рўвак – шингилдан иборат. Шўрада биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи тартиб шохчалари бўлади. Шўранинг катта-кичиклиги ток навларига караб хар хил бўлади. Узум боши майда ток навларида эса 500–700 тагача ва ундан ҳам кўпроқ гул бўлади.

Кўпчилик ток навларида гуллар қўш жинслидир. Айрим (Нимранг, Катта-кўргон, Чарос, Тавквери ва бошка) навларда факат урғочи гуллар яхши ривожланиб, улар четдан чангланишни талаб қиласди.

**Узум боши, ғужуми ва уруғи.** Узум бошининг йириклиги, тифизлиги, шакли, ундаги ғужумларнинг сони ток турларига, навларига ва кўлланиладиган агротехникага кўп жихатдан боғлиқдир.

Ғужумларининг йириклиги ҳам ток навларига ва ғужумларидаги уруғ сонига боғлиқдир. Ғужумда одатда 1–3 тагача уруғ бўлиши мумкин. Ғужумда уруғ канча кўп бўлса у шунчалик йирик бўлади.

Маълумки, кишишибоп узум навларида уруғ бўлмай, унинг ўрнига яхши ривожланмаганrudiment (ривожланмайдиган уруғ)лар бўлади. Кишишибоп узумлар навларига караб хар бирrudimentнинг вазни 6 мгдан 14 мг гача бўлиши мумкин.

**Ток очиш муддатлари** – Токларни ўз вактида очиш, занг ва маданг новдаларни эҳтиёткорлик билан симбағазларга боғлаш токлардан юкори ҳосил этиштиришда катта аҳамиятга эга. Чунки ҳосилга кирган токлар эрта очилса, уларни совук уриб кетиши хавфи туғилади, кеч очилганда новдалардаги куртаклар ҳаддан ташқари ўсиб кетиб, ток очишда уларнинг кўп кисми синиб кетиши ва эзилиб қаттиқ шикастланиши мумкин. Бу эса ҳосилнинг камайиб кетипига сабаб бўлади.

Тупрокка кўмилган токлар очилгандан кейин ерда колдирилмасдан тезда ишком, сўри ва симбағазларга кўтарилиши лозим. Маълумки, совук хаво пастда тўпланади ва у

ток куртакларига заарар етказиши ёки тупрок бети күёш нури таъсирида кизиб, куртакларнинг ёзилишини тезлаштириб, уларнинг совукка чидамсизлигини ошириши мумкин. Токлар киялирок, тупрокда нам яхши сакланадиган ерларга экилса, улар баҳор совукларидан кам заараланади.

Умуман токларни новдаларда куртак бўртмасдан очиш тавсия қилинади. Куртакларнинг бўртиш муддати тут дарахти куртакларининг бўртиш пайтига тўғри келади, зеро, хўжаликларда ток очишни тут дарахтида куртакларнинг бўртишига караб бошласа ҳам бўлади. Тажрибали сохибларнинг айтишича, тут дарахтининг барглари “сичкон кулок” бўлганда ток очиш айни қулай пайт хисобланади. Бу даврда тупрокнинг юзарок катламида температура 10–12° га етади.

## ТОКЗОР МАЙДОНИНИ ТАЙЁРЛАШ, ТУПРОҚҚА ИШЛОВ БЕРИШ ВА ТОК КЎЧАТЛАРИНИ ЎТҚАЗИШ

Токзор барпо этишдан олдин майдонни танлаш, тошлардан тозалаш керак. Механизмлар ишлаши ва токзорларни суғориша яхши шароит яратиш учун нотекис майдонлар текисланади. Ерни тайёрлаш бўйича ишлар бульдозер, скрепер, грейдер ва бошқа мелиоратив механизмлар ёрдамида ўтказилади.

Ер ости суви қанчалик юза бўлса, ток шунчалик ғовлаб ўсади, новдалари ғовак, совукка чидамсиз ва камхосил бўлади. Агар токзор барпо килишда бир марта хатога йўл кўйилса, демак 50–60 йилгача ток камхосил беради, бу эса катта заарар келтиради. Сизот сувлар юза жойлашган шўрҳок ерларда улар сатҳини пасайтириш учун вертикал ёки горизонтал зовурлар қурилади. Кучли шўрланган ерлар дастлаб яхшилаб ювилади. Ёнбағирнинг тикилиги 10°дан ортик бўлган тоғли худудлар террасер, бульдозер, грейдерлар билан террасаланади. Террасаларнинг кенглиги камида 4 метр бўлиши керак. Агар ён-бағирнинг тикилиги 10° дан кам бўлса, у холда токлар контур усулда ўтказилади.

Барча тайёргарлик ишлари тугалланганидан кейин тупрокка ишлов берилади. Токзорлар маҳсулдор бўлиши учун

биринчи навбатда ток илдизларининг ривожланиши учун оптималь шароит – яхши сув-хаво ва озука режимини яратиш зарур. Бунинг учун кўчат ўтқазишдан олдин токзор барпо этиладиган майдон 50–60 см чукурликда тупрок қатламини тўлиқ ағдариб хайдалади. Бу ишлар Т-4 ёки Т-100 трактори билан агрегатланадиган ППН-50 плантаж плуги восита-сида бажарилади. Тупрок яхши юмшаси ва устки унумдор қатлам кўмилиши учун ток илдиз ривожланиш ҳудудида ерни чимкиркар ёрдамида 50–60 см чукурликда хайдаш за-рур. Чукур ҳайдашдан олдин унумсиз тупрокларга гектариг 20–30тоннадан органик ўғитлар ёки ҳосилга кирган токзор-ларга солинадиган асосий ўғитлар микдоридан икки маро-таба кўпроқ фосфорли ва калийли ўғитлар солиш максадга мувофиқдир. Кўрик ва бўз ерларга ток ўтқазишдан олдин ўғит солмаса ҳам бўлади.


**Токзор атрофига ихота дараҳтзорлар барпо қилиш** – ҳар бир ток етишириладиган майдонларда йил фаслларига караб ўзига яраша ҳар хил кучга эга бўлган иссик ва совук шамоллар бўлиб туради. Айникса, токларнинг ўсув даври-да бўладиган кучли шамоллар токзорларга катта шикаст ет-казади. Ўзбекистоннинг кучли шамол бўладиган туман ва вилоятларида ихота дараҳтзорлари барпо қилиш ниҳоятда муҳимлиги кўп йиллик илмий кузатишлардан ва тажрибалар-дан маълум.

Енгил тупрокли ерларда бўладиган кучли шамоллар ёзда тупроқдаги намни буғлатиб юборади, кишда эса ернинг уст-кисмини учириб кетади.

Ихота дараҳтлар токзордан 10–15 м нарида кучли шамол бўладиган томонга экилиши керак. Ихота дараҳтзорлар барпо қилишда терак, ёнғок, акация, жийда, тол, ўрик каби манзара-ли ва мевали дараҳт кўчатлари экиш тавсия қилинади.

### Ток кўчатларини ўтқазиш

Майдонга ток кўчати ўтқазишдан олдин уни квартал, кар-таларга бўлиш ва улар орасидаги йўллар чегараларни белги-лаш учун козиклар кокилади, яратиладиган каторлар йўна-лиши танланади.



Суғориладиган токзорлар қаторлар йўналиши майдон нишаблигига мос бўлиши керак. Рельеф шароити бўйича бир неча томондан суғориш мумкин бўлган жойларда қаторлар йўналишини танлашда уларнинг умумий узунлиги, нипаби, доимо эсадиган шамоллар йўналишини ҳисобга олиш зарур.

Ён бағирларда токзорлар барпо этишда кор-ёмғир сувларини саклаб колиши, шунингдек, нурашга қарши курашиш учун қаторлар асосан ён бағирга нисбатан кўндалангига ёки жой юзасига параллел равишда контур бўйлаб, террасаланган ён бағирларда терраса йўналиши бўйлаб жойлаштирилади.

Ўсимликларни ўтказиш қалинлиги тупрокларнинг яхши ўсиши ва мева қилиши учун кулай шароит яратиш ва тупрокка ишлов бериш, тупларни қўмиси, зааркунанда ва касалликларга қарши курашиш билан боғлик жараёнларни комплекс механизациялаштиришга имкон бериш керак.

Кўчатларни баҳорда куртаклар ёзилмасдан олдин ўтказиш мақсадга мувофиқдир, куз, кишки даврда илиқ кунларда ҳам ўтказиш мумкин, лекин бунда кўчатлар 20 см баландликда тупрок билан қўмилади.

Кўчатни сув билан мунтазам таъминланмаган, кондириб суғориш имконияти бўлмаган лалмикор ва шартли суғориладиган ерларда куз, кишка ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Ўтказишдан олдин кўчатларнинг уч қисмida ўсган илдизлар кирқиласди, паст томондаги илдизлар бир оз қискартирилади. Кўчатдаги ривожланган новдаларнинг сонига караб, унда 2–3 та кучли ва тўғри жойлашган новда ва куртак колдириб кесилади.

Илдизларни ўтказиш вақтида ва ўтказилгандан кейин суғоришгача куриб қолмаслиги учун улар гўнг-лой аралашмасидан тайёрланган суюкликка ботириб олинади. Ҳар бир кўчатнинг ўсиш куввати унинг тутиш ва кейинги ривожланишига катта таъсир этишини ҳисобга олиб ўтказишдан олдин кўчатларни гурухларга ажратиш лозим.

Аввалги йилларда барпо этилган токзорларнинг тутмаган кўчатлари ўрнига ривожланган кўчатларни, янги барпо этиладиган токзорга яхши ривожланган кўчатларни ўтказиш керак.

Күчсиз ривожланган күчатлардан сүнгги навбатда фойдаланиш зарур, улар асосан бир майдонга ўтқазилади ёки тутмаган күчатлар ўрнига ўтқазиш учун күчатзорда колдирилади. Бир хил ривожланган күчатларни ўтқазиш, уларнинг парвариши бир вактда тўлиқ ҳосилга киришини таъминлайди.

Күчатлар маҳсус НЮ-19, МПС машиналарида, шунингдек, гидробурғилар ёрдамида 50 см чукурликда ўтқазилади. Күчатлар кўлда шундай ўтқазиладики, бунда уларнинг пастки илдизлари чукурча тубига тўкилган тупрок уюмидаги текис тақсимланади, сўнгра ер устида битта-иккита кўзча колдириб, тупрок билан кўмилади. Күчатлар ўтқазилган захоти тупрок билан кўмилади ва суғорилади. Лалмикор ерларда ўтқазилгандан кейин ҳар бир туп тагига камидаги 10 л сув қўйилади. Кузда ва қишида ўтқазилган күчатларни совук уришдан саклаш учун улар камидаги 20 см калинликда тупрок билан кўмилади.

### Ток ўтқазиш схемаси

Ток ўтқазиш калинлиги тупрок-иклим шароитига, маълум навдаги тупларнинг ўсиш кучига, шунингдек, ўстириш услуги боғлиқ. Тупрок канчалик унумдор ва туплар канчалик кучли бўлса, озиқланиш майдони шунчалик катта бўлади. Унумсиз тупрокларда (шағалли, кумли ва бошқалар) ток кучсиз ўсади, озиқланиш майдони ҳам кичик бўлади (1-жадвал).

Тавсия этилаётган ток күчатларини ўтқазиш схемаси мавжуд машина ва механизмлардан самарали фойдаланишга имкон беради.

## Ток тупларини жойлаштириш схемаси

1-жадвал

Үстириш тизими	Қаторлар орасидаги масофа	Қатордаги туплар орасидаги масофа	
		Күчли ўсувчи навлар	Ўртacha ўсувчи навлар
<b>Сизот сувлар чукур жойлашган типик бўзтупрокли ерлардаги сугориладиган токзорлар</b>			
Тик симбағаз	3	3	2,5
Қайирма симбағаз	3,5	2,5	2,0
<b>Чучук сизот сувлар юза жойлашган ерлардаги сугориладиган токзорлар</b>			
Тик симбағаз	3	3	2,5
Қайирма симбағаз	3,5–4,0	3,5	2,5
<b>Шагалли ерлардаги сугориладиган токзорлар</b>			
Тик симбағаз	3,0	2,0	1,5
<b>Тоғ ва тоғолди туманларидағи шартли сугориладиган токзорлар</b>			
Тик симбағаз	3	2,5	2,5
Қайирма симбағаз	3,5	2,5	2,0
<b>Лалмикор ерлардаги токзорлар</b>			
Тиксимбағаз	3	2,5	2,5
Қайирмасимбағаз	3,5–4,0	3,0	2,5
Террасалардаги тиксимбағаз	—	3,0	2,5

## ЁШ ТОКЗОРЛАРНИ ПАРВАРИШЛАШ

Кўчатларнинг тутиши ва ривожланиши, уларнинг мевага кириши, бўлажак ҳосил ва унинг сифати ёш токзорни парваришига боғлиқ.

Қатқалок пайдо бўлишига, бегона ўтларнинг ривожланишига йўл кўймаслик зарур. Ток кўчатлари ўтказилгач дастлабки йилда уларнинг илдиз тизими учун яхши ривожланмаган бўлади. Шу сабабли токзорни тез-тез суғориб туриш лозим, бунда тупрок камидан бир метр чуқурликда намланиши керак. Кўчатлар ўтказилгандан сўнг биринчи суғориш, кейингилари – апрел, май, июн ва августда бир мартадан ўтказилади. Бундан ташкари, ноябрдан марта гача бир-икки марта яхоб суви берилади.

Сизот сувлар юза жойлашган ерларда кўпи билан 3–4, шагали ерларда 1,5–2,0 марта кўпроқ, вегетация суғоришилари ўтказилади. Ҳар бир суғорищдан 2–3 кун ўтгач, катор оралари тупрок культиваторлар ёрдамида юмшатилади.

Ердан ва сувдан унумли фойдаланиш учун токзор катор ораларига дастлабки икки йилда сабзавот, полиз экинлари, эртаги картошка ва бошқа (баланд бўйли ўсимликлардан ташкари) экинлар экиласди. Бу экинларни токзор каторидан камидан 50 см масофада жойлаштириш зарур.

Кўчатлар ўтказилган йили ток баргларининг ранги ўзгаришидан (август-сентябр) ва тўкилишидан олдин навлар арашганлигини аниклаш учун улар белгиланади (апробация килинади) ва ўрнига шу асосий нав кўчатлари октябрда ёки эрта баҳорда экиласди. Тутмаган кўчатлар ўрни хам тўлдирилади. Токлар ўтказилган йили кесмасдан кўлда кўмилади.

Баҳорда куртаклар бўртмасдан олдин туплар очиласди. Дастлабки йиллар токлар баҳорда кесилади. Токзорлар иккинчи йили биринчи йилдагидек, учинчи йили ҳосилга кирган токзорлар каби парвариш килинади. Агар дастлабки икки йилда токзорда айрим туплар куриган бўлса, уларнинг ўрнига шу навдан кучли кўчатлар ўтказилади.

Учинчи йилдан бошлаб (кучли тупларда иккинчи йилдан) нобуд бўлган туплар асосан пархииң қилиш йўли билан тикланади. Бунда оналик тупдаги соғлом, пишган бир йиллик

новда олиниб, катор бўйлаб 50–60 см чукурликда ковланган чукурга ётқизилади. Чукурга ётқизилган новданинг учи керакли жойда тупрок юзасига чикарилади, колган кисми эса кўчат ўтказилгандаги каби тупрок билан кўмилади. Тупрок юзасига чиккан новда икки-учта кўзча колдириб кесилади ва козикка боғланади. Икки-уч йилдан кейин пархиш оналик тупдан ажратилади. Яхши ривожланган ўсимликдан пархиш ётқизиш учун июль-сентябрь ойлари қулай жойлашган, етарли узунликка эга кўк новдалардан колдирилади. Барглари узуб ташланган кўк новдалар ерга пишган новдалар каби ётқизилади.

## ҲОСИЛЛИ ТОКЗОРЛАРНИ ПАРВАРИШЛАШ

Токнинг баъзи навлари – Каттакўрфон, Нимранг, Чарос ва бошқаларнинг гули урғочи типда бўлади. Мўл ҳосил олиш учун токни яхши озиқлантириш билан бир каторда сунъий чанглантириш ҳам зарур. Ана шунда гуллари яхши уруғланади. “Оқ кишмиш”, “Қора кишмиш”, “Пушти тойфи”, “Хусайни” каби чанглатувчи навлар бўлиши тавсия этилади.

**Ўстирувчи моддаларда фойдаланиш** – узумнинг уруғизиз навлари ҳосилини ошириш максадида гиббереллиндан фойдаланиш тавсия этилади. Гиббереллин таъсирида мевалар 2–2,5 марта йириклишади ва натижада ҳосилдорлик 50–70% ортади. Тўпгулларнинг гулларин даврида ёки гуллаб бўлгандан 3–5 кундан кейин ишлов берилади. Ишлов бериладиган эритма концентрацияси 100мг/л, яъни 10 литр сувга 1 г модда ҳисобида олинади. Токка зарталаб барвакт ёки кечкурун, яъни эритма кам буғланадиган вактда ишлов бериш максадга мувофиқдир. Эритма факат гулига пуркалади. Гиббереллин ишлатилганда, ҳосилнинг оптиши токнинг озик моддаларни кўп сарфлашига боғлик. Шунинг учун, гиббереллин ишлатилганда токни қўшимча озиқлантириш, суғориш, юкори агротехникада парвариш қилиш керак, ана шунда келгуси йили ҳосил яхши бўлади.

Табиий шароитдан тўлиқ фойдаланиш ва ҳар бир майдондан юкори ҳосил олиш учун токларни парваришлашни

механизациялашда токларни ўстиришнинг турли тизимлари қўлланилади. Бунда ўсип шароити, хусусияти ва маҳсулотдан қайси мақсадда фойдаланиш хисобга олинади.

Ўсиш кучи турлича бўлган техник навларни, ўртача ўсадиган кишмиш ва хўраки, шунингдек, лалми ерларда ўстириладиган токларни тик симбағазда, кучли ўсувчи, хўраки ва кишмиш навларни қайирма симбағазда ўстириш керак.

Ўстириш тизимига кўра ток тупларини шакллантириш учун кўчат ўтқазилгандан сўнг иккинчи йили устун ўрнатилиши зарур. Темир-бетон устунлар узок хизмат килади ва иқтисодий жиҳатдан фойдалидир. Ёғоч устунларни акациядан ясаш максадга мувофик бўлиб, уларни темир-бетон асосга ўрнатиш зарур, бу уларнинг мустаҳкамлигини оширади.

## Тик симбағаз

Симбағазни ясаш учун даставвал қатор четларига устунлар ўрнатилади ва уларнинг кесими оралиқ устунлар кесимидан каттарок бўлиши керак. Уч метр узунликдаги оралиқ устунлар токзор қатори бўйлаб бир-биридан 8 м масофада ўрнатилади. Четки устунлар охирги тупдан туплар орасидаги масофанинг ярмига teng масофада ўрнатилади ва улар қатор ичидан темир-бетон тиргак билан ёки ташқи томондан лангар кўйиб маҳкамланади. Тортиладиган симларнинг миқдори туннинг ўсиш кучига боғлиқ ва сугориладиган токзорларда тўрт-беш, лалмикор ерлардаги токзорларда уч-тўрт қатор бўлиши мумкин.

Симбағазни ўрнатиш учун 2,5–3,0 мм ли рухланган симдан фойдаланилади. Симбағазга материаллар сарфи токзорларга сарфланадиган материаллар миқдорида берилган.

Пастки қатордаги биринчи сим ер юзасидан 50–60 см ба-ландликда, иккинчи ва кейингилари бир-биридан 40–50 см масофада тортилади.

Симбағазларга кўтариб ўстирилган токларни кўмиш, очиш, қатор ораларини механизация ёрдамида ишлаш жуда осон бўлади. Ток ерда ўстирилганда унинг занг ва новдалари тагига 50–60 см узунликда бир неча тирговучлар қўйилади. Шундай қилинганда новдалар ва узум бошлари куёш ну-

ридан, шамолдан ва озик моддалардан яхши фойдаланади, натижада узум ғужумларида шакар кўп тўпланади, узум бошлари рангдор бўлиб новдалари чиникиб пишади. Ерда ўстирилган ток катор ораларини механизация ёрдамида ишлаш кийин бўлади, токзор сугорилганда ерга тегиб турган узум бошлари чирийди, хомток килин ва гулларнинг чангланиши ҳамда ҳосилни териб олиш ҳам анча кийинлашади. Бундан ташқари ерда ўстирилган токлар баҳорда бўладиган кора совуклар таъсирида кўпинча қаттиқ шикастланади. Шунинг учун четки устунларнинг ич томонига каторларга тўғри килиб узунлиги 1–1,5 м келадиган темир-бетон ёки ёғочдан тайёрланган тирговуч кўйилади.

Устунлар ток очишга қадар – куз-кишда ва баҳорда ўрнатилгани маъкул. Чунки бу даврда тупрок сернам бўлгани учун устун кўмиладиган ерни казиш осон бўлади.

Четдаги устунлар 80–90 см, оралик устунлар эса 60–65 см чукурликка кўмилади. Симбағазларни катор килиб тортиш учун устунларнинг бир томонига бир хил оралиқда илгакли симлар ўрнатилади.

Устунларни ўрнатишда ток илдизларининг шикастланишига жуда эҳтиёт бўлиш зарур, бинобарин уларни ток тутидан 25–30 см нарирок кўйип лозим. Симбағазларга тортиладиган симлар зангламайдиган, яъни сиртига рух юритилган бўлиши керак.

Новдалар 50–60 см узунликка етганда биринчи хомток килинади, ёш новдалар иккинчи, баъзан учинчи симга боғланади. Кўк новдаларнинг ўсишига ва жойлашишига қараб улар иккинчи марта учинчи ёки тўртинчи симбағазга, кучли ўсган токларда эса кўк новдалар зарур бўлса, ёзда учинчи марта симбағазларга боғланади. Кўк новдаларни симбағазларга бир нечтасини тўп килиб боғлаш асло мумкин эмас.

## **Бир гектар тик симбағазли токзорга сарфланадиган материаллар миқдори**

Тик симбағаз – катор орасидаги масофа – 3 м.  
Қаторлар сони – 33 та  
Устунлар – 297 дона  
Лангар – 66 дона  
Оралық – 297 дона  
Жами – 363 дона темир-бетон  
Симбағазга тортиладиган 2,5 мм ли сим – 520 кг  
Улаш учун 3–4 мм ли сим, 225 кг

## **ТОК ТУПИГА ШАКЛ БЕРИШ, КЕСИШ ВА ХОМТОК ҚИЛИШ**

Ток кесиш мұхим агротехник усул бўлиб, токнинг ўсиши ва мева қилишини тартибга солади. Бу усул ёрдамида токни парваришлиш учун қулай шакл берилиб, у токзорлардан фойдаланиш давомида сақлаб турилади. Токларга тўғри шакл берилиши ва оқилона ўстириш тизими тупдан узок вакт ва юкори ҳосил олинишини таъминлайди, қуёш нуридан, иссиклик, сув ва озука моддаларидан тўликрок фойдаланишга, шунингдек, механизацияни кенг қўлланишига имкон беради.

Ток кишга кўмиладиган минтақада кўп енгли елпигичсимон шакл бериш усули кенг қўлланилади, бу ток тупларини кўмишни осонлаштиради, мўл ҳосил берадиган кўзчаларни колдиришга имкон беради.

Тупни бир томонга елпигичсимон шакллантиришда қатордаги туплар орасидаги масофа навларнинг ўсиш кучига боғлиқ: кучли ўсадиган навлар учун 2,5 м, ўртача ўсадиганлар учун 2 м. Бир томонлама елпигичсимон шакл бериш учун тупда факат керакли томонга ўсган новда ва енглар қолдирлади. Тупларни шакллантиришда ва улардан фойдаланишда ўз вактида ва тўғри хомток қилиш мұхим аҳамиятга эга.

Шакллантирилган тупларни ҳар йили кесишдан асосий мақсад яхши, сифатли юкори ҳосил олишни таъминлаш, туп шаклинини сақлаш, нав хусусиятлари ва қўлланиладиган агротехник усулларни тартиблашадиган.

техника ва муайян ўсиш шароитига кўра кўзчалар микдорини тартибга солишдан иборатдир.

Тупда етарли микдорда куртаклар бўлмаса, ривожланадиган новдалар сони камайиб кетади, куртаклар нормадан ортикча бўлса, ҳосилдорлик пасаяди, узум боши ва мевасининг ўртача оғирлиги камаяди, кейинги йили мева олиш учун фойдаланиш мумкин бўлган новдалар узунлиги ва сони қискаради.

Токзорларда ток кесишни эрта ва ўртапишар навлардан бошлаш зарур, чунки уларнинг новдалари тезрок пишади.

Шуни кайд қилиш керакки, хомтокни (кўк новдаларни боғлаш, тупларда новдалар кам ёки ортикча бўлганида эрта ёзда чеканкалаш) тўғри ва ўз вактида ўтқазиш кесишни осонлаштиради ва ҳажмини қисқартиради. Хомток қилиш вактида новдаларнинг кесилган жойи кузги кесишдагига нисбатан тезрок битади.

Токни умум кабул килинган технология бўйича кесиш зарур. Бунда ўткир ток қайчи ва аррадан фойдаланилади. Енглар факат ички томондан кесилади, бунда кесилган жойлар яқинидаги зааралangan майдонларнинг туташиб кетишига йўл қўймаслик керак, бу тупнинг ўсишини сусайтиради ва ҳосилдорлигини камайтиради. Зангларни кунда колдирмай кесиш, бурчак куртакдан новда ҳосил бўлишини истисно этиш лозим. Ўринбосар новда ҳар доим мевали новдадан пастда ва енгнинг ташки томонида колдирилади. Енѓда бир неча мевали новда колдирилганда кесиш узунлигини уларнинг жойлашганлигига кўра табақалаштириш керак: мевали новда енг асосидан қанча узокда жойлашган бўлса, у шунчалик узокда колдирилади. Новдадаги кесик силлик бўлиши ва тез битиши учун ток қайчининг бўртик кесувчи жағи тупда қоладиган новда ёки енг кисмига каратилади.

Кузда ток кесишда шакллантириш учун кераксиз новдалар ва ўсиб кетган енглар олиб ташланади, бир йиллик новдалар ишлатилиш максадига (новда ёки мевали новда) кўра калталаштирилади.

Мева киладиган туплар туп бошидан кесилади, бунда скелет новда баргдан тозаланади. Тик ўсувчи новдалар асосга тақаб кесилади. Ўсиб кетган ва эгилмайдиган бўлиб колган

енглар олиб ташланади ёки яхши ривожланган тупнинг ташки томонига ўсан новдачада курий бошлаган енглар олиб ташланади. Улар ўрнига бачки новдалар колдирилади. Тупда пишган новда тўрттадан кам бўлса, у ҳолда катор жойлашган кучли новдалар янги енг шакллантириш учун колдирилади. Енгларда асосга якин жойлашган икки-учта кучли новда ташланади, тупнинг ички томонига караб ўсан энг пастки 2–3 та кўзча, ундан юкорисида 6–7 та, энг юкорисида 10–15 та кўзча колдириб кесилади. Енг тез ўсиб кетмаслиги учун ўринбосар новдалар колдирилади. Иккита ҳосилли новда кучли ҳосилли бўғинни ташкил этади.

Ток кўмиладиган районларда кузда дастлабки кесиш вактида тупларда қўшимча куртаклар (кабул килинган нормадан 20–25% микдорида) колдирилади. Баҳорда туплар очилгандан кейин куртаклар кишида шикастланган ва синган новдаларни ҳисобга олган ҳолда колдирилади.

Тоқдан ҳар йили мўл ва юкори сифатли ҳосил олиш учун туплардаги куртаклар сони токнинг ўсиш кучи ва мева килиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда навлар бўйича табакалаштирилади.

Мева қилиш коэффициенти паст (ривожланган новдалардаги узум бошлари сони) бўлган кучли ўсадиган навлар “Пушти тойфи”, “Нимранг”, “Хусайни”, “Сурхок Китабский” шунингдек, “Қора кишиши” ва “Оқ кишиши”да кўзчалар кўпроқ колдирилади. Енгларда кучайтирилган ҳосилли бўғинлар колдирилади, ҳосилли новдалар 10–15 та кўзча колдириб кесилади. Бир тупда 200–300 та кўзча колдирилади.

“Баян-ширей”, “Кульжинский”, “Сояки” навлари учун озикланиш майдони  $3 \times 2,5$  м бўлган тупда колдирилган кўзчалар 160–200 тани ташкил этади.

Ўртacha ўсувчи “Ркацители”, “Саперави”, “Пушти Мускат”, “Алеатико” навларида кўзчалар сони 150–180 тага етказилади.

Ҳосил новдалари кўп бўлган кучсиз ўсадиган “Рислинг”, “Пино черный” навларида 80–100 та кўзча колдирилади.

Узбекистон шароитида навнинг ўсиш кучи ва муайян новдага кўра (кучлироқ новдалар узунрок кесилади) новдаларда

6–8, 9–12, 12–15та куртак қолдириб, хар хил узунликда кесилади.

Республиканинг кўпгина туманларида тупларни кўмишдан олдин ва уларни очгандан кейин бўладиган совуклар кўзчаларнинг заарланишига, сенгнинг кўп йиллик кисмлари даги тўқималарнинг кисман қуришига олиб келади.

Йилдан-йилга шикастланишлар кўлайиши натижасида хосилли новдалардаги кўп новдалар қуриши мумкин.

Кучли заарланган токзорларда киска вакт ичидаги тупнинг ер усти кисмини кайта тиклаш ва бачкилардан хосил олиш учун токни яхши парваришлаш зарур. Шуни ҳисобга олиш керакки, туп бошида ва калта кесилган новдаларда ёки кунданнинг пастки кисмидаги ривожланмаган ва уйғонмаган куртакларнинг катта захираси бор, улардан мевасиз новдалар ривожланиши ва тупларнинг ер усти кисмини кайта тиклаш ва хосил олиш учун фойдаланиш мумкин.

Яхши сув-озика режими кўшимча куртакларнинг ривожланишини кучайтиради. Заарланган токзорларни биринчи навбатда суғориш зарур. Суғоришдан олдин минерал ўғитлар солиш керак.

Суғоргандан кейин туп бошидан кўплаб бачкилар ўсиб чиқади, улардан кулай жойлашган, тупнинг пастки кисмida ва катор бўйлаб ўсуви 8–10 та новда қолдирилади, колганлари олиб ташланади. Бу ишни иложи борича эртароқ, новдалар синувчанлигида бажариш лозим.

Эгилувчан енгли килиб тўғри шакллантирилган ва кесилган туп осон ва ихчам жойлашади, бу токни сифатли кўмишга имкон беради.

Кўп йиллик маълумотларга кўра, Ўзбекистоннинг шимолий районларида кўпинча ноябрнинг биринчи ўн кунлигига харорат минус 10–12° гача пасаяди, новдалари пишмаган тупларига заар етказади, бунда кўмилмайдиган токзорларга анча зиён этиши мумкинлигини ҳисобга олиб, токларни кесиш, жойлаш ва кўмиш ишларини октябрнинг иккинчи ярмida тугаллаш керак. Ярим елпигиҳисимон шаклда ўстиришида кўп йиллик занклар факат бир томонга пастки ва иккинчи симга, хосил берувчи новдалар – биринчи ва иккинчи, истисно тариқасида – учинчи симга боғланади.

Мұхим агротехник тадбирлардан бири – токни хомтот килиш, новдаларни чилпиш, бачки новдаларни олиб ташлаш, чеканка килиш ва ток баргларини сийраклаштиришdir. Новдаларнинг ўсиши ва етилиши, ҳосил сифати, ўсимликларни кишга тайёрлаш мана шу агротадбирларнинг ўз вактида ва түғри ўтказилишига боғлиқ.

## **Хомтот килиш**

Токда шўралар пайдо бўлиши билан хомтот қилинади. Новдаларда тўпгул ҳосил бўлиши билан ҳосил новдалари ни ҳосилсиз новдалардан фарқ килиш ва ортиқчасини юлиб ташлаш мумкин. Новдаларнинг узунлиги 40–50 см га етганда улар симбағазга боғланади. Агар тўпгул ўрнига жингалак чиқса, бу новда ҳосилсиз бўлади. Ҳосил қилмаслиги аниқ бўлган новдаларни эрта хомтот килиш кўшимча микдорда новдалар, шу жумладан ҳосил қиласидан новдаларнинг ривожланишига ёрдам беради. Хомтотни эрта гуллайдиган навлар бўлган майдонлардан бошлаш зарур. Токнинг кўп йиллик зангларидан ўсиб чиқсан бачки новдалар биринчи навбатда олиб ташланади. Бунда токни шакллантириш ва зангнинг ўрнини босиш учун керак бўладиган бачки новдалар колдирилади. Агар токда заарланиш натижасида ёки бошка сабабларга кўра кам новда ривожланган бўлса, хам бачки новдаларнинг бир кисми озиқланиш юзасини ошириш учун колдирилади.

Ҳар бир нав учун тупдаги ҳосил қилмайдиган новдалар нисбати олинадиган ҳосил ва новданинг ўсиш кучини, шунингдек, экологик ва агротехник шароитини хисобга олган ҳолда белгиланади. Масалан, суғориладиган ерларда етиштириладиган кишишибоп навларда ҳар иккита ҳосилдор новдага бир-иккита ҳосилсиз новда колдириш керак. Лалми токзорларда киш, баҳор давридаги ёғингарчиликни хисобга олган ҳолда хомтот қилинади. Бир вактнинг ўзида олинадиган ҳосил микдори нормалаштирилади ва ҳар бир ҳосилдор новдага битта ҳосил қилмайдиган новда колдирилади. Ёғингарчилик кам бўлган йилларда токнинг жуда кучсизланиб кетишининг олдини олиш мақсадида шўрали новдаларнинг

учдан бир қисмини олиб ташлаш керак. Техник навларнинг кўпчилигига хосилсиз новдалар оз колдирилади, чунки уларда кўп микдорда шўралар яъни яшил новдалар ривожланади.

Хомток килишни имкони борича тезрок тутатиш керак. Агарда хосил берадиган ва ўринбосар новдаларнинг бир жойидан 2 ёки 3 та кўк новда ўсиб чиқкан бўлса, бунда хосилли новда колдирилиб, хосилсизлари олиб ташланади.

Биринчи хомток шўралар аниқ шакллангандан кейин ўтказилади. Буни шўра хомток, ток тўлик гулдан чиққандан кейин килинадиган хомтокни гўра хомток дейилади. Бу даврда ғўраларнинг катталиги тахминан мөшдек, айрим ток навларида нўхатдек бўлиб колади. Шўра хомток даврида кундандан ўсиб чиқкан бақувват новдалардан 3–4 таси колдирилиб, колганларини чўкиртак колдирмай кесиб ташланади. 3–4 та колдирилган новдалар келгусида қариган зангларни ёшартиришда фойдаланилади. Кундада новдалар колдиришда токнинг умумий ҳолатига караш зарур.

Гўра хомток килишда шўра хомтокдан колиб кетган ортиқча ва шу йилги новданинг кўлтиғидан ўсиб чиққан бачки новдалар танаси котиб ёғочланмасдан кўлда аста-секин бир томонга қийшайтириб олиб ташланади. Ҳар бир хомтокдан кейин новдалар симбағазларга салгина тортиб боғланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, айниқса, шўра хомтокдан кейин колдирилган кўк новдалар жуда мўрт бўлади ва ён томони шўра хомтокда очилиб қолган бўлади. Шунинг учун хомток килингандан кейин кўк новдаларни тезда боғлаш лозим, акс ҳолда салгина шамолга ҳам синиб кетади.

Хомток ўз вактида ўтказилса, ёзнинг биринчи ярмида токда кечадиган мураккаб биологик жараёнлар ҳам нормал шароитда ўтади, шу билан келгуси йил мўл хосил учун пухта замин тайёрланади.

Кўлтиқ (бачки) новдаларни юлиб ташлаш – Кўлтиқ новдалар барглар кўлтиғидан ўсиб чиқадиган иккинчи тартиб новдалардир. Кўпчилик маданий навларнинг тупида новдалар етарли микдорда бўлса, бачки (кўлтиқ) новда чиқмайди, улар одатда, хосил берадиган новдалар кам бўлганда ўсиб чиқади. Кўлтиқ новдалар тупнинг пастки ва ўрта ярусида-

ги баргларни соялаб кўйиб, уларнинг ривожланишига анча тўсқинлик қиласи, узум бошлари кеч пишади. Шунинг учун, кўлтиқ новдалар юлиб ташланади. Ток тупида асосий новдалар кам бўлса, яхши ривожланган кўлтиқ новдаларнинг бир қисми қолдирилиб, кейин улардан хосил берадиган новдалар шакллантирилади. Кўлтиқ новдаларнинг бир-иккитасининг учини чилпиб қолдирилади. Бунда улар ўсишдан тўхтайди ва озик моддалар асосий новданинг уйкудаги кўзчаларига окиб боради, улар кўлтиқ новданинг пастки куртакларидир. Бундан ташкари, учи чилпиб ташланган кўлтиқ новдаларнинг барглари асосий новдадаги узум бошлари ғужумининг яхши пипиб, кўп шакар тўплашини таъминлайди.

**Ток новдаларининг учини чилпиш.** Токнинг айрим навларининг гули жуда кўп тўкилиб кетиб, натижада узум бошлари сийрак ва енгил бўлиб пишади. Айникса, иклим шароити нокулай келган йиллари ана шундай ҳолат рўй беради. Ток гуллаши даврида новдалари кучли ўсиб, кўп озик моддалари ўзлаптирилади. Шунинг учун хосил берувчи новдаларнинг учига озиқ моддалар тўлиқ бормайди. Новдаларнинг ўсиши учун озик моддаларнинг сарфланишини камайтириш максадида уларнинг учи чилпиб ташланади, яъни учки 1,5–2 см қисми синдириб, олиб ташланади. Шунда новдалар бўйига ўсишдан тўхтайди ва кўплаб озик моддалар тўпгулларга окиб келади. Ток новдаларининг учи бевосита гуллапи олдидан ёки гуллай бошлаганда чилпилади, натижада хосили 15–20% ошади.

**Ток новдаларин чеканка килиш.** Бунда ток новдаларининг симбағазнинг юкориги симидан осилиб тушган учки қисми кесиб ташланади. Узбекистонда новдалар августнинг биринчи ярмида чеканка килинади. Чеканка килиш натижасида ток туплари ёруғлик ва ҳаводан яхши фойдаланади ва новдалар яхши пишади. Жуда қалин ўсиб кетган тупларни чеканка килиш кераклиги, кўп йиллик тажрибалардан маълум. Агар ток симбағазга кўтариб ўстирилаётган бўлса, новдалари энг юкориги симдан 30 см баланддан кесилади.

**Ток баргларини сийраклаштириш.** Бу иш узум ғужумлари пишган вактда узум шингилларига ёруғлик яхши туши-

ши ва улар орасига хаво яхши кириши ҳамда улар яхши ранг олиши учун амалга оширилади. Баргларини, кўп эмас, факат узум бошларидан пастдагиларини ёки уларни соялаб қўйганларини юлиб ташлаш керак. Барглари кўп юлиб ташланса, узум бошларини офтоб уруши мумкин.


## Ер токи

**Ер токи** – симбағазсиз.

Ўзбекистондаги токзор майдонларининг асосий кисмини ер токи ташкил килади. Тупрок унумдорлиги ўртача бўлганлиги сабабли токда кучли ўсиш кутилмаслиги (новдаларнинг ўсиши 70–80 см бўлганда ўсишдан тўхтайди), сув танқислиги (кичик ҳажмдаги ток кам сув талаб этади) ҳамда симбағаз ўрнатишга моддий имкониятлар чегараланганилиги (устун, сим) ер токининг кенг тарқалишига сабаб бўлмоқда. Ер токини ташкил қилиш ва ўстириш кўп маблағ талаб этмайди.

Шу билан бирга бу усул бир катор камчиликларга ҳам зга. Кесиш, хомток қилиш, катор ораларини юмшатиш, ён илдизларини чеканка қилиш, ўғитлаш, бегона ўт ва зараркунундаларга карши механик ва кимёвий воситалар билан курашини ишларини амалга ошириш қийинлиги ҳамда механизациядан фойдаланиш имконияти амалда йўқлиги ер токининг асосий камчиликларидан хисобланади. Бундан ташкири, бу усулдаги токзор касалликка тез чалинади ҳамда бундай майдондан ҳосилни йигиштириб олиш мураккаб бўлади. Натижада, ялпи ҳосилнинг камайиши ва маҳсулот таннархининг ортишига сабаб бўлади. Ҳозирги вактдаги замонавий қишлоқ





Ўзбекистонда.



хўжалигини юритиш талабларидан келиб чиккан ҳолда, ер токни симбағазларга кўтариш катта аҳамиятга эга. Ер токи маҳаллий иклим шароити ва қишлоқ хўжалигини юритининг турларига боғлиқ равишда паст бўйли дараҳт ёки бута шаклида ўстириш мумкин.

## **ТУРЛИ УСУЛЛАРДА СИМБАҒАЗДА ТОК ЎСТИРИШ**

Симбағаз турини узум нави мавжуд техника ва етиштириш агротехникасидан келиб чиқкан ҳолда танлаш лозим. Ҳозирда амалда қўлланилаётган симбағаз турларининг кенг таркалганларидан бири бу тик симбағаздир, бунда новдалар вертикал йўналишда тарапади.

- Новдаларни вертикал тараф – тик симбағаз.
- Новдалар ярим горизонтал жойлашганда:
  - Y – симон симбағаз;
  - ишкомсимон симбағаз;
  - воишсимон симбағаз;
  - новдалар горизонтал жойлашганда;
  - горизонтал симбағаз;
  - соябонли симбағаз.
- Бошқа усуллар.

### **Симбағазнинг афзалликлари**

- Ток тури юкорига тирмашиб ўсиш табиатига эга; новдаларнинг ўсиши ва хосил бериши учун симбағазда кенг жойнинг мавжудлиги.
- Ҳосилдорликни ошириш имконияти:
  - турли кесиш усулларини қўллаш имконияти (новдаларни калта ва узун кесиш);
- Юкори сифатли маҳсулот олиш имконияти;
  - тупрок сатхидан юкори бўлганлиги сабабли, чанг ва механик шиканстланишдан химояланган;
  - узум бошлари атрофида қулай микроиклим хосил бўлади.
- Механизация ва парваришта қулайлиги:
  - бегона ўтларга карши курашда;
  - касаллик ва заараркунандаларга карши курашда;
  - ишлаб меҳнат килишнинг енгиллиги.



Жанубий Африкада.



Чилида.

**Бегона үтларга қарни курашнинг кулайлиги.**



Парвари什 учун қулай  
баландлик.



Узум бошлари ҳимояланган.

**Новдаларни тик жойлашиши (Тик симбагаз усули).**



**Новдалар ярим горизонтал жойлашганда**  
*(Ү-сүмөн симбагаз)*



**Новдалар ярим горизонтал жойлашганда**  
*(Ишкомсүмөн симбагаз)*



**Новдалар ярим горизонтал жойлашганда**  
*(Воишсүмөн симбагаз)*



## **Новдалар горизонтал жойлашганда** *(Горизонтал симбагаз, Т-симон)*



Жанубий Африкада.



Калифорнияда (АҚШ).

## **Новдалар ярим горизонтал жойлашганда** *(Соябонли симбагаз)*



Жанубий Африкада.





## **Бошка усуллар**

- Улар қачон қўлланилади?
  - симбағазга ишлатиладиган материаллар (устун, сим) етишмаганда ёки киммат бўлганда;
  - иклим шароитлари мавжуд усуллардан фойдаланиш имкониятини бермаганда;
- Киш мавсумида курук совук кучли келадиган Хитойнинг шимоли, МДҲ давлатлари (шу жумладан Ўзбекистон), Афғонистон, Корея каби давлатларда.

Афғонистонда.




Узбекистонда.



Совук уришидан химоя  
килиш максадида илдизлар  
траншеяга экилган

Гектардаги токлар сонини ошириш учун  
токлар орасидаги масофа кискартирилган



Тик симбағаз



## ТОКНИ ТҮҮРИ КЕСИШ ВА ПАРВАРИШ ҚИЛИШНИНГ АҲАМИЯТИ

- Ҳосилдорликка таъсир этувчи омиллар;
- Токларга нотүүри шаेң беришнинг натижалари.

**1 ёшли новдани 2 ёшли новдада бўлиши –  
ҳосил демакдир**



### Ҳосил берип манбаи

- Ҳосилдорлик куртакларнинг ҳосилдорлиги ва куртаклар сони ҳамда атроф мухит омилларига боғлик;
- Атроф мухит омилари куйидагиларни ўз ичига олади:
  - Ток соғломлиги (касалликлар, хашаротлар) (парваришга боғлик)
  - Намликтининг етарли бўлиши (суғориш) (парваришга боғлик)
  - озуканинг етарли бўлиши (ўғитлаш) (парваришга боғлик)
  - иклим (ўзгартириб бўлмайди)

- Куртак ҳосилдорлиги қуйидагиларга боғлик:
  - ток навлари: Генетик (ўзгартириб бўлмайди);
  - ток кесиш усули: Узун ёки калта кесиш (ток навига қараб);
  - ток кесиш усулларини тўғри қўллаш (парваришга боғлик);
  - симбағаз тизими: Вертикал ёки Горизонтал (ихтиёрий);
  - куртакларга ўсиш мавсумида қуёш нурининг етарлича тушиши, айникса, гуллаш ва гуллашдан кейин (парваришга боғлик);
  - баҳор ва эрта ёз давридаги ҳарорат; юкори ҳарорат ( $25^{\circ}\text{C}$ ) ҳосилдорликни оширади (ўзгартириб бўлмайди).

### **Токни парвариш қилиш**

- Таъсир этишнимиз мумкин бўлган омилларни ўзгартира олишимиз мумкин.
- Қуёш нурини ток шох-шаббаларига яхши тушишини таъминлаш узок муддат ҳосил олиш имкониятини беради ва у қуйидагиларга боғлик:
  - ток кесиш усулларидан тўғри фойдаланиш;
  - мавсум давомида токни яхши парвариш этиш (новдаларни сийраклаштириш ва чеканка қилиш)

### **Токни кесиш ва уни парвариш қилиш**

- Токни кесим ва уни парвариш қилиш жуда муҳим:
  - токни тўғри кесиш ҳосилдорликнинг юкори ва сифатли бўлишини таъминлайди;
  - ток туплари тўғри парваришланса мавсум охиригача новдалар етилиб пишади;

**Новдалар зичлигига кесишнинг таъсири.**

**Новдаларни оралиқ масофасини бөлгилаш**



**Оралиқ масофа  
етарли эмас**

**Оралиқ масофа  
етарли  
қолдирилган**

**Түгри танланган масофа.**



12-15cm



**Нотүгри кесиш**

## **Нотўғри кесиш ва парваришининг натижалари.**

Новдалар оралиқ масофасининг нотўғри бўлиши куёш нурини ички новдаларга етиб боришига тўсқинлик қилади ва натижада ҳосилдорлик камаяди.



Новдалар ҳосилдорлиги камайган



Кўк новдаларни хомток қилиш

Бачки ва сўрувчи кўк новдаларни  
олиб ташлаш



**Күёш нурини етарли ўтишини таъминлаш учун ортикча новлаларни хомток килиш зарур.**



Күёш нури етишмаганда

Хомток килинган

Күёш нури старли бўлганда






Новдаларни вертикал тараш – күёш нурининг етарили тушишига ҳамда касаллик ва зараркунандаларга карши кураш самардорлигини оширишга имкон беради.



Новдалар вертикал йўналтирилган  
Күёш нурининг яхши ўтиши.



**Ток новдаларининг зичлигини аниқлаш учун соядан  
фойдаланиш**



Жуда зич



Яхши



Новдаларнинг пишиб этилиши тугалланган



Узум бошларининг орасидаги етарли масофа



Новдаларда керагидан ортиқ ҳосил қолдирилган ва натижада  
новдалар яхши ўсмаган





Новдалар  
орасида  
масофа түгри  
танланган.  
Түгри хомток  
килиш оркали  
новдаларнинг  
хосилдорлиги  
ошган.

Масофа нотүгри  
танланган натижада  
куёш нури етишмаган.  
Новдалар пишиб  
етилмаган ва кишда  
куриб колган



## **Х у л о с а**

- Ток кесиш ва токларни тұғри парваришиң килиш катта ахамиятта эга:
  - токни қоидага мос равища кесиш узок муддат да-вомида токнинг тұғри шаклини сақлаб қолишиңа имкон беради;
  - токларни яхши парваришиң килиш қуйидаги натижалар-ни беради:
  - қуёш нурининг яхши үтиши
  - яхши хосилдорлик (юкори ва сифатлы хосил).

### **Токка шакл беришиң усуллари**

Ушбу бўлимда қуйидаги мавзулар ёритилади:

- Шакл беришдан асосий мақсад;
- Ток хосилдорлигини ошириш;
- Шакл бериши турлари:
  - калта 2–3 куртакли килиб кесиш;
  - калта новда усулида кесиш;
  - узун новда усулида кесиш.


### **Шакл беришдан асосий мақсад**

- Ток ҳажмини ва тузилишини назорат этиш;
- Хосилдорликни тартибга солиш;
- Токни хосил бериши ва ўсувчанлиги орасидаги муво-занатни ушлаб туриш;
  - Ток соғлигини сақлаб қолган ҳолда максимал хосил-дорликка эришиш.

### **Ток хосилдорлигини ошириш**

- Ток хосилдорлиги қуйидагиларга боғлиқ:
  - ток навига (*генетик*);
  - ток тупини тұғри шакллантириш (ёз ойида амалга ошириладиган ишлар);
  - гуллаш ва гуллашдан кейинги даврда қуёш нурлари-нинг токнинг барча жойига етиб бориши.

Табиий хосилдорлик новданинг паст томонидан учки томонига караб ошиб боради.



Кишишиш навидаги куртакларнинг новдада жойлашувига караб хосилдорликнинг ўзгариши



Күриниб турганидек күёш нури етиб борган новда ва улардаги куртаклар ҳосилдорлиги ошади. Кишмиш навининг 4–12 куртаклари энг кўп ҳосил беради.

## Шакл бериш турлари

### Калта 2–3 куртакли новда усулида шакл бериш

Бу усулда 2 та куртак қолдирилиб кесилади ва у асосан:

- Тик шпалер усулида ўстириладиган юкори ҳосилли навларда қўлланилади



Калта 2–3 куртакли новданинг узунлиги 2  
куртакдан иборат



- Пастки куртакларда юқори ҳосил берувчи ток навла-рида қўлланилади
  - Тик симбағаз усулида ўстирилган токлар учун қўлла-нилади
  - Колдирилган куртаклар орасидаги масофа 12–15 см бўлиши мухимдир: шунда
    - Күёш нурлари токка яхши тушади ва бошлар ривожланиши учун етарли жой бўлади

**Ёш новдаларнинг оралиқ масофаси куёш нурининг тўғри тақсимланиши ва узум бошларига етарли жой бўлишини таъминлайди.**



**Узум бошлари бир-бирига тегмай турибди.**



## Калта ва узун новда усулида шакл бериш

Калта новда усулида кесиш. Бу усулда 5–8 та куртак колдирилади:

- ўртача ҳосилдор ток навларида кўлланилади;

Узун новда усулида кесишда 10–14 та куртак колдирилади:

- кам ҳосил берадиган ток навларида кўлланилади (Кишиш навлари)

- Пастки 1–3 куртакларида кам ҳосил берадиган ток навларида кўлланилади;

- Ток доимий зангдан ва ҳар йили янгиланадиган новдалардан иборат бўлади;


- Новдалар горизонтал ёки вертикал жойлашиши мумкин.

- **АҲАМИЯТ БЕРИНГ:** Ҳар бир колдирилган новда учун янгилаш мақсадида битта икки куртакли калта новда колдирилади

- Новдани қай даражада узун қолдириш ток турини нечанчи куртаклари ҳосилдор эканлигига боғлик


- 5–8 чи куртаклар: Калта новда

- 9–14 чи куртаклар: Узун новда





Тӯғри шакл бериш.



## Түғри шакл бериш.



## Нотұғри кесиши.





Хосилли  
новда

Үринбосар  
новда



Хосилли  
новдалар

Үринбосар  
новдалар


**Новдалардаги узум бошлари орасида етарли  
масофа мавжуд.**



## Ўзбекистон шароитида токларни тарбиялаш (кўмиладиган ва кўмилмайдиган токлар учун)

*Ер токлари:* нима сабабдан ер ток усулида узум етиширилади?

- тупрок унумдорлиги ўртacha ёки пастрок бўлган шароитларда ток кучли ўса олмаганда (новда ўсиши 70–80 см га етганда тўхтайди);
- суғориш имкони жуда паст ёки йўқ бўлган ҳолларда;
- токзорларни ташкил килиш арzon бўлгани учун;
- симбағазларни ўрнатиш учун етарли маблағ бўлмаган ҳолларда;




Тупрок шароити ўртacha ва намлик паст бўлганлиги сабабли ўсни табиий равиша тўхтаяпти.

Ер токининг нокулайликлари:

- хосил олиш имконининг пастлиги;
- касаллик ва зааркунданаларга қарши курашда кийинчиликка дуч келиниши (кимёвий препаратларнинг токнинг ҳамма жойига етарли сепилмаслиги);

- бегона ўтларни назорат қилишнинг жуда мушкуллиги;
- узум бошларининг сифати паст (тупрокка якин бўлганлиги учун);
- барча ишчи кучи билан қилинадиган тадбирларнинг мураккаблиги (кесиш, шакл бериш, хомток қилиш, чилпиш ва терим).



Узум бошлари тупрокка жуда якин




Механик шикаст



Офтоб уриши



Новдаларга таянч бўлмагани оқибатида барглар узум бошларини ёпа олмаяпти ва куёш бошларга тик тушиб куйдиряпти



Ер токлардаги энг катта мұаммолардан бири бу – оидиум касаллиғи:

- сүст ҳаво айланиши;
- қүёш нурининг сүст тушиши.


Ўзбекистонда аксарият худудлар кескин континентал икlim шароитига эга бўлиб, кишкى ҳарорат  $-20^{\circ}$  дан  $-30^{\circ}$  С гача пасаяди. *Vitis vinifera* турига оид бўлган токлар бундай каттиқ қишига кам чидамли бўлиб, совук уриб кетиш эҳтимоли жуда юкоридир. Шунинг учун ҳам, бундай худудларда совуқдан химоя килиш мақсадида токлар кўмилади. Бу ўз навбатида симбағазлардан фойдаланиш имконини чегаралаб қўяди. Шу сабабли, бу худудларда етиштириладиган токларнинг кўпчилиги ер ток усулида етиштирилади.

Бирок бундай минтақаларда кўмилмайдиган жойларга караганда узум етиштиришнинг ўзига хос мушкуллиги бор. Чунки узумчиликда ҳосилдорликнинг ўлчами гектардаги ток

тупларининг сони билан змас, балки ҳар бир катордаги бўш жойлардан самарали фойдаланиш билан ўлчанади. Ток туплари орасидаги маҳсулдор бўлмаган бўши жойлар хосилни камайтиради. Шунинг учун ток тупларини ҳар икки томонидан баравав ўстириш муҳим ҳисобланади.




Самарқанд вилояти шароитида қипдан кейинги  
токларни очишнинг типик кўриниши.



Ҳар икки томондан новдаларни тенг ўстириш.  
Ток туплари орасидаги мавжуд жойдан максимум фойдаланиш.



Туплар орасидаги фойдаланилмаётган кенг бүш жойлар.



Нотұғри кесіп қосылсиз бүш жойларни юзага келтирған.

**Хосилли новдалар тоқдан узоклашиб кетган.**



**Хаддан ташқари кўп хосилли новда қўйишнинг натижаси.**



Хосилсиз бўш жойлар

=

Куёш нури йўк

=

Сифатсиз новда

=

Кам хосил

– Касаллик – оидиум

– Барг курийди, тўкилиб колади

Новдалар яхши  
пишмайди






Күёш нурининг суст тушиши  
натижаси



Новдаларни совук уриб кетиши



Туп атрофидада махсулдор жойлардан оптималь фойдаланиб төндүрүүгө көзөнүүдөр келишүү жуда муҳимдир.



**Бу муаммони қандай қилиб бартараф қилиш мүмкін?**



- 1 – ёш токларни тұғри тарбиялаш;
- 2 – шакл бериш услублари;


*Ер токларни тұғри тарбиялаш:* Ўзбекистонда ер токларни тұғри тарбиялашда икки хил кесишиң услубидан фойдаланыш мүмкін:

- калта кесиши (Тойфи, Ҳусайні);
- узун кесиши (Оқ кишмиш, Қора кишмиш);

1-йил (факат үстириш)

**Илдиз тизимини ривожлантириш.**

*I-мавсум.*



## 1-йилдан кейинги кесиш.

Кесишдан аввал  
(күмилмасдан аввал)



Кесишдан кейин  
(очилгандан кейин)




Кишдан  
олдин  
кесиш  
тавсия  
килин-  
майды

## 2-мавсум

4 та кучли новдани ривожлантиринг  
Новда узунлиги ўртача 10–20 см бўлганда хар  
кандай пастки новдани олиб ташла.

Иккиламчи новдалар



Новда узунлиги 80 см га етганда 60–70 см га  
кайтариб чиллинг;

Бу орқали иккиламчи новдаларнинг ўстирилишига  
эришиш мумкин.

### *Иккиламчи новдаларнинг аҳамияти:*

- ёзниг бошларида яшил новдаларнинг (70–80 см узунликка етганда) учини чилпиш иккиламчи новдаларнинг ўсишига ёрдам беради;
- бу кейинги мавсумлар давомида новдани факат тепага караб ўсишини чеклаб кўяди;
- сурх узунлиги бўйлаб иккиламчи новдаларни тенг таксимлаб ўстириш керак;



Яшил новда чилпилган ва  
кучли иккиламчи новда  
ўстирилган



Яшил новда чилпилмаган  
ва иккиламчи новда  
ривожланмаган

**Утган мавсум ёзда чилпилмаган ва иккиламчи новда  
ўстирилмаган токнинг холати.**



Чилпилмаган,  
иккиламчи новда  
йўқ



Мева куртаклар асосан новда учидা



Мавсум охири

Кесилгандан кейин




Чилпилган,  
иккиламчи  
новда бор



Кучли иккиламчи новда ўсан ва сурх  
узунлиги бўйлаб хосил куртаклар бир хил  
таксимланган




Кучли ўсан иккиламчи  
новдаларнинг ёзги ва тиним  
давридаги ҳолати



## *2- мавсумнинг охир.*

Кўмишдан олдин кучли кесишдан эҳтиёт бўлинг  
3–5 та куртак колдириб кесинг.




**Новдалар пишган пайтда  
октябрга келиб кўмиш мумкин.**




## *3- мавсум (ток очилгандан кейин).*


Кучсиз ўсан 2 та новдани кесиб ташланг  
Хар иккала томондан кучли 2 та новда колдиринг.



Иккиламчи новдаларни кесиб ташланг.



Кесиб бўлингандан кейинги ҳолат (март).



Иккиламчи новда ўстириш учун яшил новда узунлиги  
60 см га етганда учлар чилпиб чикилади.






Яшил новдалар орасида  
10–12 см лик жой  
колдириңг


### 3- мавсум охирі (күмишдан олдин).

Барча новдалар пишиб бўлган ва сурхлар 40 см килиб кесиб  
күмилиши керак.



### 4- мавсум (ток очилғандан кейин).


3-йилдан кейин мевага кесиш.




Фақат пастдаги 2 та ҳосил новда колдирилади.

## Охирги кесиш ток навига боғлиқ

- Сурхни калта кесиш 4–7 куртак  
(Тойфи, хусайни)
  - Сурхни узун кесиш 8–12 куртак  
(Кишишлар).




Сурхни калта кесиш 4–7 куртак (Тойфи, хусайни).



## Үринбосар колдириб кесиш

- Битта сурхни 2 куртак колдириб кесилади
- Нариги сурх 4–7 куртак колдириб кесилади.


Сурх узунлиги  
4–7 күртак



Охирги кесишдан кейинги  
холат (март).

4- мавсум.

Хосилли новдалардаги  
узум бошлари




Пастдаги 2 куртакли ўринбосар новдаларда 2 та кучли новда  
ривожлантириш жуда муҳимдир.


**4- мавсум охири (күмишдан олдин).**



Доимий  
зангларнинг  
хар томонидан  
хосилли  
новдаларни  
колдиришига  
харакат  
килиш керак  
(юкоридаги  
расмлардагидек  
ер сатхининг  
тепасида)




Күмишдан олдин  
кесиш






Утган мавсумдаги эски новдаларни  
кесиб олиб ташлаб 2 куртакли  
үринбосар новдалардан янги  
новдалар колдириш керак



Күмишдан аввал:  
– түлиқ кесилмасин;  
– кишда стадиган совук уриши эхтимолини мумкин кадар  
камайтириш керак.

## 5- мавсум (ток очилгандан кейин).



Эрта баҳорда түлік  
кесилгандан кейинги  
холат (март)

### Ток очилгандан кейин

- пастки новдани 2 куртак қолдириб ўринбосар килиб кесиш керак;
- юкоридаги новдани ҳосилга кесиш керак.


### Сурхни узун кесиш 8–12 куртак (Кишимиши навлар):

- узун сурхли токларни бопкариш тизими бошқача бўла-ди чунки улар узум бошларини тупрок сатҳидан баланд ушлашга қодир эмас;
- шунинг учун узун новдаларни бир-бирига боғлаган ҳолда ҳосил учун жойларни тӯғри мослаш керак;




- Бу оркали мева сифати ошади;
- Тупрок сатхидан баландда бўлади, ҳаво айланиши таъминланади, кам шикастланади.

### *3- мавсум (ток очилгандан кейин).*




#### Ток очилгандан кейин


- пастки новдани 2 куртак қолдириб ўринбосар қилиб кесип керак;
- юқоридаги новдани 8–12 куртакли ҳосилга кесиш керак.



Эрта баҳорда түлик кесилгандан кейинги ҳолат (март).




Узум бошлари ер сатқидан күтариылган  
– сиғат яхширок.




Үринбосар новдалардан кучли новдаларни  
ривожлантириш керак.


Үринбосар новдаларнег тепасидаги новдаларни  
кесиш ва чилпиш керак.



Мавсум охири – барча новдалар пишган; бошланғыч  
кесишни қилишга тайёр.



Кўмишдан олдин эски новдаларни кесиб ташлаш керак.



Кўмишга тайёр

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки:

- юкори хосил олиш учун;
- қатордаги бўш жойлардан оқилона фойдаланиш;
- күёш нурининг тушиши, ҳаво айланишининг ошиши ва октябрь-ноябрь ойларига бориб новдалар яхшилаб пишишини таъминлаш учун тўғри кесишни йўлга қўйиш;
- ғовлаб кетишини олдини олиш учун ёзда мавсум бошида чилпиш ишларини амалга ошириш аҳамиятта моликдир.

*Симбағазлардаги токлар:*

Олдинги бўлимларда келтирилган симбағазларнинг афзаликлариiga қўшимча ўлароқ қўйидагиларни санашимиз мумкин:

- симбағазлар токнинг ўсишига ва мевасига кўпроқ жой таъминлаб бера олади;


- Ҳосил имконини янада оширади;
- Мева сифатини оширади;
- Бошқариш ва агротехник тадбирларни амалга ошириш кулай.

Симбағазлардаги токларни түғри тарбиялаш икки хил усулда амалга оширилиши мүмкін:


- сурхни калта кесиши (*Тойфи, Ҳусайни*)
- сурхни узун кесиши (*Кишишилар*).

Токларни ривожлантириш ва тарбиялаш ер ток билан бир хил бўлади фақатгина токлар етилгандан яъни ҳосилга киргандан кейин кесиш ер токдан фарқ қиласди


*Сурхни калта кесиши 4–6 куртак (Тойфи, Ҳусайни) – новдаларни тик тарбиялаш (I-шаклидаги симбагазлар).*




Тўртала новдадаги иккиламчи новдаларни кесиб ташланг.




## Симбатазларни ўрнатиш.



Новдаларни кордон симга қайириб, эҳтиёткорлик билан боғланади.




Бахорда күртак ёйғандан кейин.



Сурхни сийраклаштириш  
– Телада 2–3 та новда  
– Пастда 2 та новда




Хар бир сурхга тепадан факат  
2–4 та новда күйиш керак



Яшил новда ва баргларнинг тик ўсиши қуёш нури яхши тушишини таъминлайди.




Узум бошларининг жойлашиши яшил новдаларга монанд тик холатда.




Тиним даври  
Кўмишдан олдин барча новдалар пишган.


Барча пишган эски новдаларни таги билан кесиб ташланади.



Күмишга тайёрлаб ўринбосар новдалар қолдирилади.



Пастки сурхларни 2 та куртак қолдириб кесилади ва кордон симга боғланади.




Кесишиндеги олдин

Янгилаш учун кесилганды


Кесишиндеги кейин



Үринбосар  
новдалар пастда




Сурхнинг тепасидан 3–4 та новда колдириб қолганлари сийраклаш орқали олиб ташланади.




Пастдан 2 та кучли  
новда үринбосар учун  
колдирилади

Сурхни узун кесиш 8–12 куртак (Кишиши навлар) –  
новдаларни тик тарбиялаш (I- ва Лира шаклидаги  
симбагазлар).

Новдаларни кордон  
симга кайириб,  
эҳтиёткорлик билан  
боғланади





## Баҳорда куртак ёйгандан кейин.




Сурхни сийрак-  
лаштириш  
– Тепада 2-3 та  
новда  
– Пастда 2 та новда

## Сийраклангандан кейин




Яшил новда ва  
баргларнинг тикка  
ўсиши қуёш нури  
яхши тушишини  
таъминлайди




Тиним даври

Күмишдан олдин  
барча новдалар  
пишган



Барча пишган эски новдаларни таги билан  
кесиб ташланади

Күмишга тайёрлаб ўринбосар новдалар  
колдирилади



- Пастдан 2 та кучли новда ўринбосар учун колдирилади
- Сурх 8–12 та куртак колдирилиб кордон симга ўралади




Яшил новда ва баргларни  
бошкариш


- Новдалар орасида  
10 см қолдириб сийрак-  
лаштирилади

- Яшил новда ва барг-  
лар тик килиб ўстирилади


Кордон сим тагидаги барча яшил новдалар олиб ташланади.



Үринбосар новдалардан чиққан яшил новдаларни янгилаш  
учун колдирилади.




“Лира”шаклдаги симбагазлардан фойдаланиш хосилни яна ҳам ошириш имконини беради.



### Диккат

Бу усул узумлари етарли даражада кучли ўсадиган токзорларда яхши самара беради.



Лира усулининг ён томондан кўриниши:

- Яшил новда ва барглар сим оркали тикка ўсан;
- Қуёш нури оптималь тушади;
- Касаллик ва зааркунандаларни назорат килиш кулай.

## **Х у л о с а**

- Агар барча кўрсатилган кесишиш боскичлари тўғри ба жарилса хосилдорлик камаймайди ва токнинг ривожланиши яхши томонга ўзгаради.
- Биринчи мавсум ёз даврида токнинг пастки қисмида хосил бўлган новдаларни кесиб туриш жуда муҳимдир. Агар улар кесилмаса, юкоридаги новдалар яхши ривожланмайди.

## **ТУПРОҚҚА ИШЛОВ БЕРИШ**

Токнинг бир меъёрда ўсиши ва ҳосил бериши учун тупроқда баҳор, ёз ва кузда (сув-ҳаво режимини яхшилаш, бегона ўтларни йукотиш ва токларни қишик советулардан ҳимоялаш учун) ишлов бериш зарур. Тупрокка кузда 25–30 см чукурликда ишлов бериш баҳорга келиб тупроқда кўп микдорда нам тўпланишига, бегона ўтларнинг йўқолишига ёрдам беради.

Агар токзорга кузда ишлов берилмаган бўлса, баҳорда токларни механизация усулида чала очип билан бир вактда ер ҳайдалади. Токлар очилгандан кейин қатор ораларидаги тупрокни текислаш учун культивация килинади ёки бороналанади.

Ўсиш даври давомида тупроқда бегона ўтларни йукотишда ва унда намни саклаб туриш учун қатор оралари 10–12 см чукурликда 3–4 маротаба культивация килинади. Ҳар бир сугоришдан кейин ҳамда лалми токзорларда эса мўл ёккан ҳар бир ёмғирдан сўнг культивация килиш керак.

Баҳор, ёз давомида юмшоқ қатлам ҳосил килиш ва бегона ўтларни йукотиш учун НЮ–18 плуги ўрнатилган мослама билан ток тури атрофидаги тупроққа ишлов берилади.

Ҳозирги вактгача токларнинг бир қисми ер бағирлатиб ўстирилади, бундай токзорларда баҳорда тупроқ чопилади, ёзги сугоришлардан кейин юмшатилади.

Механизмларнинг кўп карра ўтиши ва сугориш натижасида ток қатор ораларининг тупроғи кучли зичланади, бу ток тупларининг ўсиши ва хосилдорлигига салбий таъсир этади.

МПВ машиналарида ўғит солиш билан бир вактда ҳар бир қатор орасида тупроқни уч из бўйлаб ҳар йили юмша-

тиш керак, чунки бу ҳолда ён юмшатгичлар тупрокка 35–40 см чукурликда ботади ва илдиз системасини унча шикастла-майды, марказий юмшатгич эса 55–60 см чукурликка ботади. Агар иш 55 см чукурликда уч из бўйлаб юмшатадиган МПВ машинаси билан бажариладиган бўлса, бу ҳолда қатор ора-латиб юмшатиш керак.

Бундай юмшатишда тупрокнинг сув-ҳаво режими нормалашиб, илдиз тизими яхши ўсади. Натижада хосилдорлик 35–40 % ошади.

Лалми токзорларда тупрок баҳорда чукур юмшатилади, кейин ўсиш даври давомида 18–20 см чукурликда юмшатиб турилади. Ток парвариши давомида 18–20 см чукурликда юмшатиб турилади. Ток парвариши МПВ, НЮ–18, УОМ–50, пневматик ток очкичлар билан бажарилади.

МПВ, НЮ–18 машиналари билан сугориш эгатлари очилади, қатор оралари культивация қилинади ва ёппасига юмшатилади.

МПВ машинасига ўрнатиладиган НЮ–18 мосламаси ёрдамида токлар чала очилади ва қаторлардаги ток туплари атрофидаги тупрокга ишлов берилади.

Т–54В, МТЗ–80 ёки МТЗ–82 тракторларига ўрнатиладиган пневматик ток очкичлар билан ток тўла очилади.

## СУҒОРИШ

Сув барча жонли организмлар ва ток учун бирдек муҳимдир. Сув фотосинтез ва шунга ўхшаш биокимёвий ва биофизик ходисаларда асосий иштирокчи саналади. Сув шунингдек, ўсимликлар хужайралари ичидаги гидростатик босимни ҳам вужудга келтирувчи омил ҳисобланиб, бу босим таъсирида хужайралар кенгайиб шишади ва катталашади, натижада ўсимликлар ўсиб ривожланади, новдалар чўзилади, барглар ёйилади ва мевалар катталашади.

Ўзбекистонда токзорларни эгатлаб суғориш кенг тарқалган. Ўқариклардан сув ток қатор ораларида очилган эгатларга оқади. Эгатларнинг чукурлиги 18–20 см, узунлиги 100 мдан 300 мгача, механик таркиби бўйича енгил тупрокларда эгатлар узунлиги оғир тупроклардагига нисбатан кискарок бўлиши керак.

Сугориш эгатлари орасидаги масофа токзор тупроғи ва ток қатор оралари кенглигига боғлик. Сув ўтказувчанлиги ўртача ва механик таркиби бүйича оғир тупрокларда ток қаторидан 0,5–0,6 м масофада очилган иккита суғориш эгати кифоя.

Суғориша навнинг ўзига хос хусусиятлари ва тупрок-иклим шароитини ҳисобга олиш зарур. Токнинг яхши ўсиши ва ҳосил қилиши учун тупроқнинг намлиги дала сув сиғимидан 70 % дан кам бўлмаслиги энг қулайдир.

Токнинг сувга эҳтиёжи ривожланишининг турли фазаларида бир хил эмас. Шунинг учун вегетациянинг биринчи даврида тупроқ намлигини дала сув сиғимидан 70–80 %, иккинчи даврида эса 60–65 % даражадасида саклаб туриш керак.

Ўсиш давомида ҳосилдор токзорларни оғир тупрокларда 2–4 маротаба, сувни тутиб қолиш қобилияти паст тупрокларда (қумли, тошлок) 7–9 маротаба суғориш керак. Сизот сувлари юза жойлашган тупрокларни суғоришларни тупроқ намлигига кўра ўтқазиш керак. Суғоришни бошлиш ва уларнинг микдори ҳам тупроқ намлигига ва токнинг ривожланиш боскичига кўра белгиланади. Биринчи ўсиш даврида суғориш муддати тупроқ, об-ҳаво, шунингдек, қишики сув беришга боғлик бўлиб, май – июн ойида ўтқазилиши мумкин.

Оғир соз тупроқларда ўсиш даврида битта суғориш гектарига 700–800 $m^3$ , енгил қумок, шунингдек, тошлок тупроқларда 400–500 $m^3$  ташкил этади.

Куз, қип даврида гектарига 1200–1500  $m^3$  ҳисобидан заҳира сув берилади, бунда тупроқ 1,5–2 м чуқурликгача намланиши керак. Бундай микдорда 2–3 маротаба суғоришдан кейин тупроқда кўп микдорда сув захираси тўпланади. Бу суғоришлар ўсимлик ўсиш даврининг биринчи ярмида нам билан таъминлайди. Бу холда ўсиш даврида суғоришлар сонини биттага кискартириш мумкин.

Баҳорги ёмғирлардан, шунингдек, ҳар бир ўсиш даврида суғоришдан кейин тупроқнинг етилишига караб намни саклаб қолиш мақсадида ток қатор ораларини ўз вақтида ва юкори агротехника даражада юмшатиш зарур.

Ток новдаларининг ўз вақтида етилиши, ўсимликларнинг қишига тайёрланиши ва ҳосилнинг пишиши учун суғоришни

шимолий туманларда сентябр бошида, жанубий туманларда сентябр ўрталарида тўхтатиш керак.

Ёғингарчилик 600 мм дан кам бўлмайдиган тоғ-тоғолди минтақасида ток суғормасдан ўстирилади.

Лалми ва шартли суғориладиган токзорларда ёмғир сувларини тўплаш учун ёмғирдан кейин кузда ер чуқур хайдалади ва юмшатилади. Тупрокни ўз вактида ва сифатли юмшатиш намнинг сақланиб қолишига, суғорилмайдиган токнинг яхши ўсиши ва ҳосил килишига ёрдам беради.

Баъзи тоғолди-тоғли туманларда, имконият бўлса, токни ҳеч бўлмаганда бир маротаба суғориш зарур. Бу унинг ўсиши ва ҳосил қилишини анча яхшилайди. Тупрок ичидан томчилаб суғориш усули истиқболлидир.

Бундай суғоришда сув тежалади, ёзги ишлов беришлар истисно этилади, ҳосилдорлик 40% га ошади. Нишаб ерларда томчилатиб суғориш самаралидир, бу бошка экинлар этишириш учун яроқсиз ерларни кишлок хўжалик оборотига киритиш имконини беради, тупрок эрозиясини пасайтиради, шунингдек, эгатлаб суғоришга нисбатан сувни 40–50% га тежайди.

Токлар ўсиш мавсуми давомида турли даврларда турлика микдорда сув сарфлайди. Куртаклар ёзилгандан сўнг барглар ривожланиб улгурмаганлиги учун бир ой муддатгача сув сарфи юкори бўлмайди. Ундан сўнг сув сарфи бир маромда ошиб боради ва ток юкори кисми барглар билан тўла копланиб бўлгач, сув сарфи микдори мавсум охиригача деярли ўзгармайди.

### **Суғоришнинг ток ривожидаги аҳамияти**

Кўплаб тажрибалар натижалари кўрсатишича, токларни суғоришдаги сув такчиллиги мевалар ривожига караганда новдалар ўсиш суратига кўпроқ салбий таъсир кўрсатади. Новдалар ўсиш суратининг пасайиши токдаги сув такчиллигининг биринчи белгисидир. Сувсизликнинг узок давом этиши новдалар учи куриб қолишига олиб келади. Ўртacha сувсизлик новдалар ўсиш ва йўғонлашув суратини пасайтириб, бўғимлар ораси калта бўлиб қолишига сабаб бўлади. Сув такчиллиги токнинг умумий барг копламини ҳам камайтира-

ди. Сувсизлик бирламчи новдалардан күра иккиламчи новдалар ўсиш суратига күпроқ таъсир килади. Мева ривожи мавсум давомидаги сувсизликдан катта заар қўрмасада, ғужум ривожининг дастлабки 2–3 хафтаси давомида токни сувсиз колдириш ғужумга зарар етказиши мумкин. Бу даврдан ўтиб олгандан кейин мавсум давомидаги сувсизлик ғужум ҳажмига таъсир кўрсата олмасада, аммо унинг таркибий сифатига таъсир кўрсатиши мумкин. Сувсиз колдирилган ток ғужумлари таркибida шакар микдорининг кўплиги билан ажralиб туради. Умуман олганда, ғужум таркибida шакар микдорининг ортиқча йиғилиб қолиши токнинг кам ҳосил солиши ва ёки сувсиз колдирилган ток ғужумлари таркибидаги сувнинг новдаларга сўриб олиниши натижаси бўлиши мумкин. Ғужум таркибидаги шакар микдорининг камайиб кетиши эса узум бошининг зич новдалар панасида қолиб кетиши ва ёки ток кўп ҳосили учун шакар етишмаслигидан бўлиши мумкин. Шунингдек, токни сувсиз колдириш узум бошларининг ғарк пишиб етилиш муддатини кечиктириши мумкин.

Қизил ва кора рангли узум навларида ғужумларнинг нотабий рангларга кириб қолиши ҳосил сифатига, натижада эса, унинг харидоргирлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Суғориш муддатларини кечиктириш орқали бундай навларда ғужумлар ўз табиий рангини олишига эришиш мумкин, чунки сувсизлик ғужум таркибida ранг берувчи пигментлар ривожланишини кучайтиради.

## **Ток илдиз системаси (чуқурлигини билиш жуда муҳимdir)**

### ***Муҳим физиологик даврлар***

- Куртак бўртгунга қадар бўлган давр (куруқ, киш мавсумида ёғингарчилик кам бўлган ҳудудларда) яъни тиним даври:
  - кишидаги тиним даврида, ўсимликни сувга бўлган талаби кам бўлади;
  - токларни совук урмаслиги учун тупроқни нам холатда ушлаш тавсия этилади;




— куртак бўртишигача, новда ўсишидан то гуллаш давригача тупроқда етарли намликнинг мавжудлиги жуда муҳимdir.

- Куртак бўртгандан то гуллагунгача бўлган давр:
- баҳорги паст ҳаво ҳарорати ва барг сатҳининг кичкина бўлганлиги сабабли сув кам талаб этилади;
- факат янги новдаларгина сув талаб этади.
- Гуллашдан мева туккунгача бўлган давр:
- бу давр мева ривожланишининг биринчи даври хисобланади;
- Бу даврда сувнинг етарли бўлиши муҳимdir;
- мева туғишида тупроқдаги намликнинг таъсири катта;
- тупроқда сув етарли бўлганда мева ривожланиши яхшиланади ва ҳосилдорлик ошади;
- бу давр мева туғишидан сўнг **3–4** хафта давом этади.
- Мевани нўхат катталигидан то узум пишгунгача бўлган даври:
  - мева ривожланишининг иккинчи даври;
  - биринчи даврга нисбатан кам сув талаб этади;
  - токнинг ўсиши бу даврда секин бўлади.
- Мева пишиш даври:
  - мева ривожланишининг учинчи даври;
  - мева юмшоқлашиб ранг кира бошлайди;

- мева катталашади (хужайралар катталashiши натижасида), шакар микдори ошади ва кислоталилик даражаси камаяди;
- ушбу даврда токни сувга бўлган талаби жуда юкори бўлади;
- ток олиши осон бўлган сувлар сатҳини кўп меъёрда ушлаш зарур.

Токлар мева туғиши пайтида етарлича суғорилмаса мавсум давомида сув старли бўлишига карамай узум бошлари кичкина бўлиб қолаверади. Шунинг учун, мева туғиши вактида намликнинг етарли бўлиши жуда муҳимдир.



Теримдан сўнг:

- ток келаси мавсумга захира тўплайди;
- илдизлар жадал ўсади;
- тупрок намлигини керакли меъёрда ушлаб туриш керак лекин новдаларнинг ўсишига имкон бермаслик зарур (новдаларнинг жадал ўсиши хавфлидир чунки улар совукдан ҳимоя килувчи захирани сарфлаши мумкин);

- факт барглар фаол бўлишини таъминлаш керак;
- новдаларни қишки совукка чидамлилигини ошириш максадида уларни пишиб етилишини таъминлаш.

## **Сув танқислиги шароитида узумдан юкори ҳосил олиш технологияси**

### ***1. Шўрхок тупроқларда намликни сақлаш***

Тупроғи шўрланган Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё ва Марказий Фарғона шароитида суғориладиган сувда тузларнинг кўпайиб кетиши натижасида ўсимликнинг илдиз тизимининг куиши ва баргларнинг сарғайиб кетишига алоҳида эътибор бериш зарур. Бунинг олдини олиш учун тупроқда намликни сақлаш ва йиғиш чора-тадбирларини кўриш керак. Бу худудларда сугориш билан биргаликда тупроқда чукур культивация ўтказилиши, тупроқда намликни ушлаб колиш, тупроқ – ҳаво алмашинувини яхшилаб, илдиз тизими-нинг сақланишини ва яхши ривожланишини ер устки қисми-нинг ўсишини, меваларнинг яхши етилишини таъминлайди.

Шағалли ва қумли тупроқларда намликни сақлашга алоҳида эътибор бериш зарур, чунки уларда сувни сақлаб колиш хусусияти кучсиз бўлганлиги боис тупрок кизиб кетиши мумкин.

Шағалли ва қумли тупроқларда айникса, Фарғона водий-сининг шағал ва кум билан қопланган тупроқларида, Бухоро ва Самарқанд вилоятининг баъзи туманлари ва воҳаларида тупроқда намлик камлиги натижасида тупрок кучли кизиб кетиб, ўсимлик ўсишидан тўхтаб, куриб колиши ва меваларнинг ривожланиши муддатидан олдин тўхтаб, тўкилиб кетиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун бу худудларда намликни сақлаш максадида 1–2 маротаба кўшимча сугориш ва кетма-кет культивация ўтказиш зарур.

### ***2. Минерал ўғитлар билан озиқлантириши***

Тупроқда намлик етарли даражада бўлганида минерал ўғитларни солиш яхши натижа беради. Шунинг учун намлик кам бўлган шароитда ўғитларни тупроқка чукур солиш зарур, бу самарадорлигини оширади.

Минерал ўғитларни органик ўғит билан биргаликда солинганда ҳам самарадорлик ортади ҳамда намлиқ яхши сакланади.

### *3. Тупроқда намлини саклашида мульчалашининг аҳамияти*

Тупроқда намликини саклаш учун тупроқни мульчалаш айникса, кумли, шағалли, шўрланган ҳамда шартли суғорила-диган тупрокларда яхши самара беради. Бундан ташкари, шўрланган тупрокларда мульчалаш тузни камайишига ёрдам қиласди. Мульча сифатида похол, қипик, чириган гўнг, ўрилган ўт, шоли кипигидан фойдаланиш мумкин. Мульча 10–12 см қалинликда ва 100 см энликда (радиус) солинади. Тупроқни мульчалагандаги – 70 м<sup>3</sup>/га сув иктиносидан килинади.

Токзорларда сувдан унумли ва самарали фойдаланиб, бир текисда намликка эришиш учун суғориш арикларининг узунлигини кискартириш зарур.

Сувни кучсиз ўтказадиган оғир тупрокларга нисбатан шағалли ва кумли тупрокларда суғориш арикларининг узунлиги 100–120 м дан ошмаслиги керак. Агарда узунлиги ошиб кетса, сув сарфи кўпайиб кетади. Суғориш арикларини кискартириш натижасида сувнинг иктиносиди 105 м<sup>3</sup>/га ни ташкил этади.

Жанубий ҳудудлар ҳамда Тошкент, Самарканд ва Сурхондарё вилоятларининг лалми ерлари, тоғ ва тоғолди туманларида намликини саклаш катта аҳамиятга эга. Ушбу ҳудудларда намликини саклаш ишларини эрта бошлаб, шўрланган ерларнинг шўрини ювиш зарур.

Сув танқислиги шароитида бор имкониятлардан – булок сувидан, сойлардаги сувларни насослар оркали чиқариб суғоришдан фойдаланиш зарур. Ҳар бир суғоришдан сўнг тупроқда намликини саклаш мақсадида албатта культивация ўтказиш керак.

Суғориш имконияти йўқ туманларда, айникса, ёш ва хосилли токзорларда культивация ўтказиб, тупроқни албатта мульчалаш керак. Культивация тупроқ структурасини яхшилайди ва 80 м<sup>3</sup>/га ҳажмда намликини йигишига саклашга имкон яратади.

Ёш токзорларда тупдан 60 см узоклиқда ўсимликнинг икки томонидан олинган арикларнинг иккала ариғи орқали суғорилади. Ҳосилли токзорларда катор орасидан битта 40 см чуқурликда ариқ олиниб, (имкон бўлса канавокопательда) суғорилади. Бу кисқа вакт ичидаги асосий илдиз тизими жойлашган тупрокнинг пастки горизонтларининг намланишига имкон беради.

Сув иктисоди 30% гача ёки 210 м<sup>3</sup>/га ни ташкил этади.

Сув таъминоти етарли бўлмаган худудларда сентябргача имкониятга караб, 1–2 маротаба суғоришни ўтказиш керак.

#### *4. Тупроқда намликини сақлашда бегона ўтларнинг зарари*

Бегона ўтлар тупрокни оздиради ҳамда тупроқдаги намликини парлатиб юборади. Шунинг учун ҳамма ёқда бегона ўтларни катор ораларида, туп каторларида ҳамда туп ораларидан йўқ қилиш чораларини кўриш керак.

#### *5. Токзорларда хомтокнинг аҳамияти*

Ҳосилли узумзорларда муҳим ёзги ишларга яшил операция – хомток ва чеканка киради.

Токзорларда ўтказиладиган яшил операциялар тўғри, ўз вактида ўтказилганда, новдалар нормал ҳолда пишиб етилади, мевалари катталашади, келаси йили учун ҳосил куртаклари шаклланади.

Хомток ўтказиш натижасида калинлашган новдалар олиб ташланиб, сийраклаштирилади, кўёп нуридан фойдаланиши яхшиланади, колган ҳосилли новдаларнинг ривожланиши кучаяди. Чеканкани биринчи навбатда кучли ўсадиган тупларда бир вактда сийраклаштириб, ёнидан чикқан бачки новдалар, қайсики қалинлашиб, ҳаво ва ёруғлик етказмайдиганлари ҳам бир йўла олиб ташланади. Чеканка август ойининг бошида ўтказилади.

Бу тадбирлар ҳаммаси парланиш майдонини қисқартириб, сув сарфини камайтиради ҳамда тупроқдаги намликини 100 м<sup>3</sup>/га гача иктисод қилиш имконини яратади.

Тупроқ шароити, боғ ва токзорларнинг ҳолати ер ости сувларининг миқдорини ҳисобга олган ҳолда сувдан тўғри фойдаланиш учун каттиқ назорат ўрнатиш, окава сувларни

бекорга окиб кетмаслигига йўл кўймасдан, ички хўжалик ишларида сув оборотини ташкил қилиш зарур.

Асосий вазифа куриб қолмаслик чорасини кўриш, ўсимликтин ўсишдан тўхтатмаслик, мавжуд боғ ва токзорлардан юкори сифатли яхши маҳсулот олиш, сув ва озуқа таркибини таъминлаб саклаб, келаси йил ҳосили учун пухта замин тайёрлашдир.

Мева-узум ҳосилини кўтариш, маҳсулот ишлаб чиқаришда асосий фактор бу – боғ ва токзорларни тўғри суғоришдир.

Боғ ва токзорларни хозирги вактда асосан ариклар орқали суғорилади. Ариклар орқали суғорилганда сувнинг анча кисими парланиш билан йўқолади, бирмунча кўл меҳнати сарфланади, бунда ҳосилли 1 гектар боғда меҳнат сарфи 60 киши соатга етади.

## *6. Томчилаб сугорининг афзаллиги*

Ўзбекистон дехкончилигига сув ресурсларининг чегара-ланганлиги ва ўсиб бораётган суғориладиган сувнинг танқислиги боис сугорининг самарали ва иктисадий усулларини қўллаш талаб этилади.

Р.Р.Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-текшириш институтининг Самарканд филиали Урта Осиё ирригация илмий текшириш институти билан биргаликда томчилаб сугориш бўйича Жиззах вилоятининг Зомин туманида сув тақчил киялик ерларда узумнинг “Қора кишмис”, “Пушти тойфи”, “Қора жанжал” навларидан экиб, 6,5 гектар майдонида тажрибалар ўтказдилар.

Томчилаб сугорилганда ҳосилдорлик 119 цн/га ни, арик орқали сугорилганда 89,5 ц/га ни ташкил этди. З йил давомида жами ҳосилдорлик томчилаб сугорилганда 357,2 ц/га ни, арик олиб сугорилганда 268,4 ц/га ни ташкил этди. Ҳосилдорлик 88 цн га кам бўлди. Сув иктисади 35% ни ташкил этди.

З йил давомида 1 цн узум маҳсулоти олиш учун арик орқали сугорилганга нисбатан меҳнат сарфи 1,4 кам бўлган.

Самарканд вилоятининг эрозияга молик бўз тупроғида узумзорни томчилаб сугорилганда ҳосил 130 ц/га ни, арик олиб сугорилганда 97,8 ц/га ни ташкил қилди ёки 33 цн га

хосил кам бўлди. З йил давомида жами хосил томчилаб суғорилганда 392,5 ц/га, арик оркали суғорилганда 293,5 ц/га ни ёки 34% хосил кўп бўлди.

Эррозиялик бўз тупрокларда суғорипи ҳажми арик оркали суғорилганда 3860 м<sup>3</sup>ни, томчилаб суғорилганда 2770 м<sup>3</sup> ташкил килди ёки 1090 м<sup>3</sup>/га кам бўлди. Сув иктисади 30% ни ташкил этди.

Киялик тошлок тупрокларда ариклардан суғоришда сув ҳажми 7520 м<sup>3</sup>/га ни ташкил этди (суғориш ҳажми 580 м<sup>3</sup>/га) томчилаб суғорилганда 4435 м<sup>3</sup>/га бўлди. Суғориладиган сув иктисади 3085 м<sup>3</sup>/га ни ташкил этди, ёки 44,7% ни.

### **Курғокчиликка чидамли районлаштирилган узум навлари**

Навларнинг номи	Қайси вилоятлар бўйича
Пушти Тойфи	Барча вилоятларда
Кишишиб Ботир	Барча вилоятларда
Ранний Шредера	Барча вилоятларда

## **ТОКЛАРНИ ЎҒИТЛАШ ВА УЛАРНИ ЎҒИТГА БЎЛГАН ТАЛАБИ**

Токчиликда ўғитларни қўллаш самарадорлиги кўпгина омиллар билан белгиланади, улар ичida тупрокнинг табииy унумдорлиги, унинг намланганлиги, умумий ток ўстириш маданияти ва токларнинг тупроқдан озука моддаларини ис-тєммол қилиш қобилияти кабилар мухим ўрин згаллади.

Хосил ва токнинг вегетатив массаси билан тупроқдан анча озука моддаларининг олиб чикилиши тупрокнинг табииy унумдорлигини яхшилаш ва уни керакли даражада саклаб туришни талаб қиласди.

Қўрик ва қайта тикланган ерларда (айникса, ерларни ка-питал текислашда тупроқ катлами анча чуқурликда олиб ташланган холларда) янги токзорлар барпо этишдан олдин тупроқ унумдорлигини кўп микдорда органик ўғитлар (40т гача) солиш кўшимча равишда тегишли микдорда минерал

ўғитлар солиб, 1, 2 йил давомида оралиқ экинлар етишириш йўли билан яхшилаш талаб этилади.

Яхши текисланган, органик моддалар билан бойитилган, кўп йиллик бегона ўтлардан тозаланган майдонларда ток ўтказишдан 2, 3 ой олдин ер чукур хайдалади.

Ток ўстириш учун суғориладиган алмашлаб экилган срларни ўзлаширишда чукур ҳайдашдан олдин минерал ўғитларнинг асосий микдорини гектарига (120 кг азот, 90 кг фосфор ва 30 кг калий) органик ўғитлар гектарига 5 т дан 20 т гача қўшиб солиш мумкин.

Қишлоқ ҳўжалик ишлаб чикаришида органик ўғитларнинг (айникса гўнг) катта самарадорлигини ҳисобга олиб, токчиликда бу ўғитлардан тежаб ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш зурав. Бунинг учун гўнг ўрнида таркибида чириган органик моддалар бор чиқиндилар (узум тўпони, ўсимлик колдиқлари)дан кенг фойдаланиш керак. Уларга фосфор, калий, микрозлементлар (кул, суяқ, саноат чиқиндилари) дан иборат минерал моддалар қўшилади.

Бундай органик моддаларни солиш нормаси гўнг солиш нормасига нисбатан 2–3 маротаба юкори бўлиши керак.

Узумдан мўл ҳосил олинадиган токзорларда ҳар 3–4 йилда гектарига 20–40 тн микдорида органик ўғитлар солиб туриш зарур. Бунда ўғит ток туплари қишига кўмилгандан кейин ерни 25–35 см чукурликда ҳайдаб, гўнг сочгич билан солинади. Органик ва минерал ўғитларни чукур ковлагич билан қазиладиган 60x60 см ли чукурларга солиш жуда самаралидир. Бунда ҳар бир чукурга 20–30 кг дан ўғит солинади.

Ток ўтказилган дастлабки икки йилда илдиз системаси кучсиз ривожланган бўлиб, тупрокда унча чукур жойлашмайди ва экишдан олдин тупрокнинг унумдорлигини яхшилаш сув – ҳаво режими қулайлигида ўсимликларнинг минерал ўғитлар билан етарлича озиқланишини таъминлайди.

Шу билан бирга ток қатор ораларида полиз ва сабзавот экинларини улар учун қабул қилинган ўғитлаш ва суғориш технологияси бўйича етиширишда ҳам токзорларда қулай сув – озука режими яратилади.

Суғориладиган бўз тупрокларда ўстириладиган ҳосилдорлиги гектаридан 200–250 ц ли токзорларда минерал ўғит-

ларнинг асосий меъёри 120 кг азот, 90 кг фосфор ва 30 кг калий (соф холда)ни ташкил этади.

Хосилдорлиги янада юқори бўлган, шунингдек, унумсиз тупрокларда (кумлек, тошлок) ўстириладиган токзорларда фосфор ва калий меъёрини гектарига 90–120 кг гача ошириш мумкин.

Ток новдалари яхши ўсмаганда ёки тупда кўп ҳосилли новда ва шўралар ривожланиб, ҳосил мўл бўлган йилларда, ёки физиологик актив моддалар (гиббереллин, ТУР) кўлланилганда, токларни биринчи маротаба май ойида, иккинчи маротаба 10–15 кундан кейин гектарига 60 кг азот, 45 кг фосфор ва 15 кг калий билан қўшимча минерал озиқлантириш талаб этилади.

Суғорилмайдиган ерлардаги токзорларда тупроқда етарлича нам тўпланганда (кеч куз ва баҳорда) органик ўғитлар аралашмасини солиш керак, бу ўғитларнинг ўсимлик илдизларига яхши этиб боришини таъминлайди. Бундай шароитда ўғитларни чукурчаларга солиш айникса, самарали-дир. Ўртacha кумок тупрокларда гектарига 3 т гўнгни минерал ўғитлар гектарига 60 кг дан азот ва фосфор ва 15 кг калий билан 30–40 см чукурликка солиш зарур. Оғир кумок тупрокларда 1 т гўнг билан 30–40 см чукурликка солиш зарур. Оғир кумок тупрокларда 1 т гўнг гектарига 120 кг азот, 90 кг фосфор ва 30 кг калий билан қўшиб 40–50 см чукурликка солинади.

Комплекс минерал ўғитлар (аммофос, нитрофос ва бошқалар) оддий ўғитларга нисбатан бир қатор агрокимёвий иктисадий афзалликларга эга.

Озука элементлари бўйича уларни солиш микдори оддий ўғитлар учун тавсия этилган микдор билан бир хил. Шунга кўра озука элементлари таркибини кўпайтириш учун комплекс ва оддий ўғитлардан биргаликда фойдаланиш керак.

Масалан, сугориладиган ҳосилдор токзорларда ҳар йили баҳорда токлар очилгандан кейин гектарига 225 кг аммофос билан бирга 225 кг аммиакли селитра ва 250 кг калий тузлари ёки 455 кг нитрофос хисобидан минерал ўғитлар солинади.

Токларга гуллашдан икки хафта олдин вентиляторли пуркагичлар билан ишлов берилади. ТУР таъсирида ҳосилдорлик 40 % га ошади.

Узум бошининг ўртача оғирлиги яхши мева тугиши хисобига 1,5–2 маротаба ортади. Уруғсиз навларга ТҮР препаратининг 1 % ли эритмаси билан гуллашидан 2 ҳафта олдин ишлов бериш мақсадга мувофиқдир, кейин тўпгулларга гибереллин эритмаси пуркалади.

## Озиқлантириш талаблари

- Куйидагиларни билиш катта аҳамиятга эга:
  - токнинг ўғитга бўлган талаби;
  - ҳар бир ўғитнинг вазифаси;
  - токнинг ўғитга бўлган талабини физиологик даврларга боғлиқлиги;
  - ўғитлаш вакти;
  - канча миқдорда ўғит бериш кераклиги.

Асосий минерал ўғитлар

Энг мухим макроэлементлар:

- Азот (N);
- Фосфор (P);
- Калий (K);
- Кальций (Ca);
- Магний (Mg).

- Бошқа (макро ва микро элементлар):

- Темир (Fe);
- Бор (B);
- Марганец (Mn);
- Рух (Zn);
- Олтингугурт (S).

Макро ва микро элементларнинг аҳамияти

- Азот:

- ўсишга таъсир килади;
- вегетатив аъзоларнинг таркиби хисобланади;
- оксил (протеин) манбай;
- 1 тонна ҳосил учун 3,9 кг талаб этилади.

- Фосфор:

- энергия ташувчи;
- ҳужайра бўлиниши, янги новдалар ривожланишини таъминлайди;
- 1 тонна ҳосил учун 3 кг талаб этилади.

- Калий:

- энг керакли моддалардан;
- токнинг калийга бўлган талаби кучли;
- моддалар алмашинуидаги pH (ишкорийлик) ва кислоталилик даражаси меъёрини таъминлайди;
- тез харакатчан;
- углеводлар харакати ва синтези, новдаларнинг пишиш жараёнида катнашади, токни совукка чидамлилигини оширади;
- 1 тонна хосил учун 1 кг талаб этилади.

- Кальций:

- ток кисмларида аҳамияти катта (новдалар, барглар, илдизлар);
  - хужайра деворларини ташкил қилиш, хужайра деворларининг озукаларни ўтказиш кобилиятини яхшилайди;
  - озукани ўтказади шунинг учун озиқлантиришда аҳамияти катта;
  - узум пўстининг мустахкамлигини оширади (саклаш имконияти ошади);
  - 1 тонна хосил учун 0,2 кг талаб этилади (узумдаги улуши паст).

- Магний:

- фотосинтез жараёнида, хлорофил доначаларида аҳамияти катта;
  - ферментация жараёнида;
  - углеводларни хосил килишда;
  - 1 тонна хосил учун 0,1 кг талаб этилади;
  - узумдаги улуши паст.

- Темир:

- хлорофил синтези;
- токни нафас олишида;
- pH (ишкорийлик даражаси) даражаси юкори тупролардаги етишмовчиликлар.

- Бор, Рух:

- хужайра бўлиниши;
- гул чангининг ривожланишида муҳим ва катта аҳамиятга эга;
- буларнинг етишмаслиги ток чангланишига зарар кўрсатади.

**1 тонна ҳосил олиш учун асосий элементларнинг ток танасида  
таксимланиши/сарфланиши  
(фоиз ҳисобида)**

Элемент	Ўсимлик кисми					
	Мева	Илдиз	Занг	Барг	Новда	Жами
Азот	35.8	14	4.7	31.1	14.4	100 (3.9)
Фосфор	34.2	11.4	2.7	39.8	11.9	100 (3.0)
Калий	64.8	2.5	3.7	15.4	13.6	100 (1.0)
Кальций	8.4	1.2	5.7	69.8	14.9	100 (0.2)
Магний	14.9	7.6	4.9	53.9	18.7	100 (0.6)

“Жами” устунида қавс ичидаги жойлашган сонлар кг ҳисобида олинган

Юкоридаги жадвалдан қуидагиларни хulosа килиш мумкин: Мева орқали ҳар йили азотнинг 36%, фосфорнинг 34% ва калийнинг 65% га яқини ток танасидан чиқиб кетади. Барглар орқали эса фосфорнинг 40%, кальцийнинг 70% и ва магнийнинг 54% га яқини ток танасидан чиқиб кетади. Унбу макро ва микро элементларни ток танасига кайташи учун уларни ўз вактида ток талабларига кайташи зарур.

**Теримдан сўнг берилган азотни ток захирасига  
бўлган таъсири**



Минерал ўғитларнинг етишмаслик белгилари:

- Ҳар бир элемент етишмовчилиги ўзига хос белгига эга
- Тўғри парвариш килиш учун элементлар етишмовчилиги белгиларини билиш муҳимдир


Азот  
танкислиги.



Азот  
етарли.



Фосфор  
етарли.




Фосфор  
етишмаганда.



Магний етишмовчилиги.



Калий етишмовчилиги.



Темир етишмовчилиги.



Темир етишмовчилиги.

Бор етишмовчилиги.



Марганец етишмовчилиги.

Шўр (тупрок) таъсири.



### Қанча қўллаш керак?

#### Азот:

- тупроқдаги эркин азот миқдорини аниқлашнинг ишончли усули хали кашф этилмаган;
- камайиб бориш усулига таяниб, (1 тонна узум хосили олиш учун 3,9 кг азот ишлатинг);
- илдизларнинг жадал ривожланиш даврида азотга талаб ортади;

- куртак уйғонгандан сүнг (ўсипп даврида);
- мева туккандан кейин (ғұралар ривожланишида);
- теримдан сүнг (захира учун).

**Азот күллаш меъёри**

•**Азот (N):**

- айтайлик ҳосилдорлик гектарига 25 тонна;
- $3,9 \text{ кг N/га} \times 25 \text{ тонна} = 100 \text{ кг N/га/йилига}$  шундан;
- куртак уйғонгандан сүнг 30 кг;
- мева туккандан кейин 35 кг;
- теримдан сүнг 35 кг азот солиши тавсия этилади.

**Фосфор:**

- жудаям күп талаб этилади;
- ҳар йили теримдан сүнг текшириб туриш лозим;
- тупроқда харакатланмайды;
- иложи борича ер устига илдизга яқинрок бериш керак;
- мавсум бошида илдиз фаолиятига катта ёрдам беради;
- чингиши учун тупрок pH ишқорийлиги 4–6 бўлиши яхши; шўр тупроқларда ток ўзига етарли микдорда фосфорни тупроқдан ололмайди.

**Калий:**

- токнинг калийга бўлган талаби кучсиз;
- камайиб бориш усулига таяниб (ҳар 1 тонна узум ҳосилига 1 кг калий берилади);
- айтайлик ҳосилдорлик гектарига 25 тонна;
- $25 \text{ тонна} \times 1 \text{ кг/тонна} = 25 \text{ кг K/га/йилига}$ ;

**Кўллаш меъёри:**

- куртак уйғонгандан 50%;
- теримдан сүнг 50% (новдаларни пишиши учун).

**Бошка озукаларга талаб**

•**Бошка макро ва микро элементлар**

- Бор, Марганец, Темир ва Рух жуда кам микдорда талаб килинади ва етишмовчилик белгилари кўрингандагина барглар оркали кўллаш мумкин.

## **Токзорларни қайта тиклаш**

Токзорларни қайта тиклаш саноат токзорларини кенгайтириш мақсадида ҳосилдор токни күчириб ўтказиш, комплекс механизация ва илғор технологияни қўллаш имкониятини яратиш, тупларга шакл бериш ва қатор оралари кенглигини ўзгартириш, кам ҳосилли навларни истикболли навлар билан алмаштириш, сув таъминотини яхшилаш учун қаторлар йўналишини ўзгартиришни кўзда тутади.

Токзорларни қайта тиклашдан олдин ерларни ўлчаб, съёмка қилиш, асосий текислаш, агромелиоратив ишларни ўтказиш, тупрокни чуқур ҳайдаш ва унумдорлигини тиклаш, майдонни ташкил этиш режаларини тузиш керак. Кўчириб ўтқазиш учун зарур бўладиган районлаштирилган нав кўчтларига бўлган эҳтиёж аниқланади.

Токзорларни қайта тиклаш ва нав таркибини тартибга солишда республикада узумчилик структурасини тубдан қайта куриш ва навлари нисбатини хўраки ҳамда майизбоп навлар фойдасига ўзгартиришни кўзда тутиш керак.

Шу билан бирга республикада ялпи узум ҳосилини камайтирмаслик учун бу ишларни режа асосида йилма-йил амалга ошириш ва яхши агротехник парваришлаш ҳисобига эски токзорлардан юқори ҳосил олиш лозим.

Тошкент воҳаси ва Фарғона водийси узумнинг хўраки навларини, республиканинг жанубий-ғарби вилоятларида (Самарқанд, Қапқадарё, Бухоро, Навоий ва Жиззах вилоятларининг бир қисми) кишмишнинг майизбоп навларини етиштиришга ихтисослашган.

Токзорларда узумнинг қуйидаги хўраки ва кишмишбоп навларини етиштириш мақсадга мувофиқдир. Ўта эртапишар ва эртапишар хўраки навлар – “Сурҳоқи Китабский”, “Эртапишар”, “Ранний Шредера”.

Эрта эртапишар – “Қора кишмиш”, “Кишмиш Ботир” ва “Кишмиш Суғдиёна”; ўртапишар – “Хусайни”, “Қора жанжал”, “Гўзал кора”, “Оқ кишмиш”, “Кишмиш Хишров”, “Зарафшан кишмиши”, “Каттакўрғон”; ўрта кечпишар – “Мускат Александрийский”, “Султони”; кечки навлар – “Нимранг”, “Узбекистон мускати”, “Пушти тойфи”, “Октябрьский”.

Кейинчалик узумнинг август ойида пишадиган йирик ок мевали кишмишбоп навлари – “Кишмиш Ботир”, “Кишмиш Хишров”, “Кишмиш Зарафшон”, “Кишмиш Суғдиёна” экиладиган майдонларни кенгайтириш зарур. Бу кишмишни қулай об-ҳаво шароитида қуритишни таъминлайди. Йирик кора мевали “Кишмиш Суғдиёна” сентябрь ойида пишади ва ташиш ҳамда узок вақт саклашга ярайди. Юқоридаги барча навлар янгилигича ейишга ва қуритишга ярайди.

Узумнинг хўраки-майизбоп “Оқ Султони”, “Каттакўргон”, “Ўзбекистон мускати” ва “Мускат Александрийский” навларидан юкори сифатли майиз олинади.

Токзорларда хўраки навлар билан бирга 10–12% техник навлар бўлиши керак, улар қайта ишланиб, юкори сифатли шарбатлар, мусалласлар ва шампан виноларни (“Кульжинский” нави, “Ркацители”, “Сояки”, “Баян Ширей”, “Рислинг”, “Мускат венгерский”) ишлаб чиқарилади. Техник навларни парваришилашга кам маблағ талаб этади, бу меҳнат ресурсларидан унумлироқ фойдаланиш имконини беради. Узум бошлари йирик ва ўртача, мевалари серсув ва этили кўпгина техник навлардан жойида хўллигича ейиш ва кисман Республика ташкарисига чиқариш учун фойдаланиш мумкин.

Бу навлардан хўраки нав сифатида фойдаланиш учун маҳсус қўшимча тадбирларни амалга опириш, биринчи навбатда хўраки навлар каби хомток килиш, ҳосили пишиб етила бошлаганда эса узум бошларига қуёш нурларининг яхши тушиши учун баргларини сийраклаштириш тавсия этилади. Бу ишлар шу навнинг хўракилик сифатлари (ранги, қанд тўпланишига, мевалари механик хусусиятлари) нинг яхшиланишига ёрдам беради. Бу навларнинг ҳосили техник ишлов бериш учун териб олинадиган муддатда 10–12 кун кечрок ва меваларнинг шарбатида қанд моддаси 17–20% дан кам бўлмаганида узилади.

Янги токзорлар узумчиликдаги мавжуд фан-техника тараккиёти ютукларидан фойдаланган ҳолда барпо этилади. Иқлим шароити токнинг кишлаши учун қулай бўлган Сурхондарё, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларининг бир қисми, Кўконнинг бир гурух туманларида токни баланд танали қилиб шакллантириб, кенг каторларда ўстириш максадга

мувофик, бу ҳосилдорликнинг анча ошишига ва меҳнат харажатларининг камайишига ёрдам беради.

Бундан ташқари, Сурхондарё вилоятида эртапишар узум навларини қўп микдорда ўстириш керак, бу Тошкент шаҳри аҳолисини 1ой илгари янги узум билан таъминлаш ва республикадан четга ҳам жўнатиш имконини беради.

Узумнинг хўраки-майизбоп “Нимранг”, “Каттакўрғон” навларидан токзор барпо этишда шуни ёдда тутиш керакки, бу навларнинг гули урғочи типли бўлиб, чанглатувчи навлар билан бирга (1–2 катор оралатиб) ўстиришни талаб этади.

Нимранг нави учун “Қора кишиши”, “Пушти тойфи” ва “Мускат венгерский”, “Каттакўрғон” нави учун “Қора кишиши” ва “Рқасители” навлари чанглатувчи сифатида хизмат килиш мумкин.

### Токларни совукдан сақлаш

Ўзбекистон майдонининг катта қисмида айрим йилларда киша ҳаво ҳарорати минус 25–30оС гача пасаяди, бу токни киша қўмишни талаб этади.

Новдаларнинг яхши пишиши ва чиқишини таъминлайдиган юкори агрофонда ўстириладиган токлар яхширок кишлиайди. Қишки захира суви бериш ҳам совукнинг зарарли таъсирини сусайтиради.

Худди шунга ўхшаш ҳолни ёз охирида азотли ўғитлардан фойдаланилганда ҳам кузатиш мумкин, чунки бу ўғитлар новдаларнинг ўсиш даврини чўзиб юборади ва пишишини секинлаштиради.

Токлар дастлаб кузда кесилгандан кейин қўмишдан олдин катор бўйлаб қўндоқлаб ётқизилади, МПВ машиналари бўлса, ток новдалари шу машиналар ёрдамида ётқизилади. Ўзбекистоннинг шимолий туманларида ток устига ётқизилган тупрок уюмининг баландлиги 25–30 см, бошқа туманларда эса 20–25 см бўлиши керак.

Ўзбекистоннинг шимолий туманларида ток учун ҳавфли кузги совуклар ноябрнинг бошида тушади, шунинг учун токни қўмиш ишлари бу ерларда 1 ноябрда, колган туманларда 10 ноябргача тугатилиши керак. Токлар яхши қўмилиши зарур. Ёмон қўмилган ёки кеч қўмилган ток кузги совуклардан,

кейинчалик эса кишки совуклардан заарланади, новдалари-ни совук уради ва улар қуриб қолади.

## ҲОСИЛНИ ЙИҒИШТИРИШ ВА ТАШИШ

Узум ҳосилини ўз вактида ва тўғри йиғиштириб олиш учун ҳосилни йиғиштириш режасини тузиш керак. Режа ҳосил миқдорини олдиндан аниқлаш, мева саклагич идишлиари, зарур бўладиган транспорт воситалари, куритиш майдончаларини, маҳсулотни кишка саклаш учун омборлар тайёрлап ва шу каби бир катор ишлаб чиқариш технологик ишларни ўз ичига олади.

Ҳосилни йиғиштириб олиш вакти унинг пишганлиги ёки маълум бир маҳсулот ишлаб чиқариш узумнинг қандлилиги ва кислоталилиги бу мақсад учун яроқлилиги билан белгиланади. Кишмиш навлар қандлилиги 24–25% лигига, майизбоп навлар – 22–23% лигига узиб олинади. Ок мусаллас ишлаб чиқариш учун узум қандлилиги 17–18%, кизил мусаллас учун 18–20 % лигига, хўраки навлар таркибида қанд миқдори 16–17% ва ундан юкорилилигида йиғиштириб олинади.

Узум куритиш ёки жойларга юбориш учун мўлжалланган токзорларни суғориш ҳосил йиғиштириб олишдан 2–3 ҳафта олдин тўхтатилиши керак. Узумни ҳаво курук вактда узиш керак. Хўраки навлар танлаб, факат пишган узум бошларигина узилади. Узум бошлари ўткир боғ қайчи ёки маҳсус қайчилар билан кесилади, бунда узум бошини бандидан ушлаб туриш керак. Заарланган ёки шикастланган мевалар алоҳида жойланади. Узилган узум бошлари яшикларга ёки сифими 10–12 кг ли саватларга жойланади. Навларни аралаштириб юборишга йўл кўйилмайди.

Узумни каторнинг ўртасидан бошлаб узиш ва каторнинг икки томонидаги йўлга олиб чиқиш керак.

Узум маҳсус пийпон ёки жойида яшикларга жойланади. Узумни яшикларга жойлаштиришда бандлари пастга қаратиб кўйилади, яшикда бўш жойлар бўлмаслиги керак, бундай жойларга массаси 150 гр дан кам бўлган узум бошлари жойланади.

Узумни поездларда ёки самолётда жўнатишда яшик копкоғининг иккита четки тахтачалари коқилган бўлиши керак.

**Яшикларни тахлашда бу тахтачалар рейка-қистирмалар учун таянч бўлиб хизмат килади.**

Узум куритиш учун сифими кўпи билан 20 кг ли яшикларга йигилади ва қуритиш пунктига ташилади, у ерда сараланди ва яроқсизи чикариб ташланади. Эзилган ва яхши пишмаган йирик узум бошлари ғужумларга бўлинади ва кейинги жараёнга узатилади.

### **Ўзбекистон вилоятларида экишга тавсия қилинган узум навлари**

**2- жадвал**

<b>Т/р</b>	<b>Навнинг номи</b>	<b>Вилоятлар</b>
1	Алеатико	Корақалпогистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Кашкадарё, Наманган, Самарканд, Сурхондарё, Тошкент, Хоразм
2	Андижанский черный	Андижон, Наманган, Фарғона
3	Қора жанжал	Корақалпогистон Республикаси, Бухоро, Жizzах, Қашкадарё, Навоий, Самарканд, Сурхондарё, Тошкент
4	Каттакўрғон	Бухоро, Қашкадарё, Навоий, Сурхондарё
5	Кишишибира	Қашкадарё
6	Кишишибиширау	Бухоро, Навоий
7	Кульджинский	Корақалпогистон Республикаси, Андижон, Жizzах, Наманган, Сирдарё, Тошкент, Фарғона, Хоразм
8	Магарачский	Бухоро
9	Майский черный	Тошкент
10	Морастель	Жizzах, Сирдарё, Тошкент
11	Мускат Александрийский	Жizzах, Қашкадарё, Сурхондарё, Тошкент, Хоразм
12	Мускат розовый	Андижон, Қашкадарё, Наманган, Самарканд, Сурхондарё, Тошкент
13	Мускат Узбекистанский	Қашкадарё, Самарканд, Тошкент, Фарғона
14	Октябрьский	Жizzах, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент
15	Сояки	Тошкент

16	Султони	Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Сурхондарё, Тошкент
17	Тарнау	Самарканд, Тошкент
18	Кишмиш розовый	Қашқадарё
19	Хиндогни	Жиззах, Сирдарё, Тошкент
20	Сурхак китабский	
21	Тайфи розовый	
22	Рислинг	
23	Ркацители	
24	Саперави	
25	Қизил хурмони	
26	Оқ хусайні	
27	Нимранг	
28	Мускат венгерский	
29	Қора кишмиш	
30	Кишмиш Ботир	
31	Оқ кишмиш	
32	Баян-Ширей	
33	Қора гүзәл	
34	Паркент	
35	Перлет	
36	Ризамат	
37	Ранний Шредера	

Ҳамма вилоятлар

Узум ҳосилдорлигини оширишда, маҳсулдорликни юкори күтаришда, сифатини яхшилашда асосий шартлардан бири, илмий – асосланган турларни тупрок иклим шароитига жавоб берадиган узум тури ва навларини худудлар бўйича жойлаштиришdir.

Ўзбекистон бир нечта асосий тупрок худудларига эга, бу бўз тупролар, шўр тупролар, шағалли ва кумли ерлар, тоғ ва тоғ олди ерлардаги худудлар.

Узумчиликни ривожлантиришда, тупрок – иклим шароитларини хисобга олган холда узумчилик худудларига куйидаги узум турларини жойлаштириш тавсия этилади.

Андижон вилоятида: хўраки ҳамда шароббоп навлар.

Бухоро вилоятида: хўраки, кишмишбоп ва шароббоп навлар.

Жиззах вилоятида: хўраки ва шароббоп навлар тоғ олди худудида.

Қашқадарё вилоятида: Қарши худудида хўраки ва кишмишбоп навлар. Китоб – Шахрисабз худудида хўраки ва шароббоп навлар.

Навоий вилоятида: хўраки, кишмишбоп ва шароббоп навлар.

Наманган вилоятида: Наманган худудида хўраки, кишмишбоп, шароббоп навлар; тоғ олди Чорток – Янгикўрғон худудларида хўраки, шароббоп навлар.

Самарқанд вилоятида: Самарқанд худудида – хўраки, кишмишбоп, шароббоп навлар, тоғ олди Ургут худудида – хўраки, кишмишбоп, шароббоп навлар. Каттакўрғон худудида хўраки ва кишмишбоп навлар.

Сирдарё вилоятида: хўраки ва шароббоп навлар

Тошкент вилоятида: хўраки, шароббоп навлар. Паркент худудида хўраки, кишмиш ва шароббоп навлар.

Сурхондарё вилоятида: Термез худудида – хўраки, кишмишбоп ва шароббоп навлар, Денов ҳамда тоғли худудларда хўраки ва шароббоп навлар.

Фарғона вилоятида: Фарғона худудида – хўраки, кишмишбоп ва шароббоп навлар, тоғли ва тоғ олди худудида – хўраки, кишмишбоп ва шароббоп навлар; Кўкон худудида – хўраки ва шароббоп навлар

Хоразм вилоятида: – хўраки ва шароббоп навлар

Коракалпок Республикасида хўраки навлар экипига тавсия этилади.

## ТОКЗОРЛАРНИ ЗАРАРКУНАНДА ВА КАСАЛЛИКЛАРДАН ХИМОЯ ҚИЛИШ

Ўзбекистон шароитида ток ўсимлигига асосан зааркундалардан узумхўр курт, ун губорли ток курти тоғолди минтақаларда кравчик кўнғизи; касалликлардан мильдю, оидиум, антракноз, бактериал раква кисман хлороз касаллиги жиддий заарар келтиради.


**Узумхўр қурт (узум куяси, шингил қурти).** Зааркунанда узум тўпгули, тугунча, ғўра ва етилиб келаётган ғужум билан озиқланади. Бунда ток ҳосилининг ярмидан кўпроғи чириб кетади саклашга ва бозорга олиб боришга ярамайди. Бизнинг шароитда шингил қурти мавсумда тўрт авлодда ривожланади. Кўкламда капалаклар ток шўрасида тўпгуллар шаклланганда учади ва гунчаларга тухум кўяди.

Иккинчи авлод капалаклари учиши ток гуллагандан 17–20 кун ўтгач бошланади. Учинчи авлодни берувчи капалаклар июлнинг иккинчи ўн кунлигига учиб чиқиб тухум кўя бошлади. Муддатларни аниқлашда феромонли тузоклардан хам фойдаланса бўлади.

**Кураш чоралари.** Узумхўр қуртининг зарарини камайтириш учун шўра хомток, ғўра хомтоклар ўз вақтида ва сифатли ўтказилиши новдалар чеканка қилиниб, барглар сийраклаштирилиши керак.

Бунга қўшимча 2–3 маротаба пуркаш ўтказилиши, биринчи пуркаш, «Қора кишмиш», «Пушти тойфи» навлари 4–5та чинбарг чиқарганда, иккинчиси ток гуллагандан 17–20 кун кейин, зарурат бўлса учинчиси иккинчисидан 7–10 кун ўтгач бажарилиши лозим. Токларни фозалон ёки карбофос билан (100 л сувга 300г) пуркаш самаралидир. Бир йўла кул касаллигини даволаш мақсадида иш суюклигига коллоидли ёки хўлланувчи олтингугурт қўшиб пуркалади (100л сувга 0,8–1кг). Вектрапрепаратини қўшса хам бўлади. Томорка шароитида тамаки қайнатмасидан фойдаланса хам бўлади.

**Ун ғуборли ток қурти.** Ток ширасини суреб, унинг барча аъзоларини заарлайди. Шикастланган ток барглари сарғайиб, тўкилиб кетади, узум бошлари эса куриб қолади.





Оқибатда ҳосил сезиларли дараҗада камайиб кетади, ғужумлари бемаза бўлиб етилади, устилари куртнинг ширали чикиндиси билан булғанади. Баҳорда урғочилари 2 ҳафта озиқлангандан кейин тухум кўя бошлади. Тухум қўйиши 25–30 кун давом этади, тухумдан чиқкан личинкалари ёпи новдалар тубида ва баргнинг пастки томонида тўптўп бўлиб яшайди.

**Кураш чоралари.** Агар узумхўр куртига қарши кураш ўтказилган бўлса, ун ғуборли ток куртига карши баҳор, ёз ойларида маҳсус пуркаш ўтказмаса, ҳам бўлади. Кураш чоралари ни амалга ошириш зарурати туғилса, кузда ёки эрта баҳорда куртаклар бўртиш олдидан ток туплари Диметоат (10л сувга 15–20 г) билан жикка килиб пуркалади. Карбофос (10л сувга 30г) ёки тамаки кайнатмасидан ҳам фойдаланса бўлади.

**Ток канаси.** Токлар ўстириладиган ҳамма жойларда тарқалган бўлиб, ток баргларини, камрок холларда шингилларини шикастлантиради. Шикастланган баргларнинг устки томонида ғулда (шиш) ҳосил бўлади, пастки томонида эса шикастланган жойларида чукурчалар пайдо бўлади, уларнинг ичидаги тўқималар ўсиб наматсимон ғубор ҳосил қиласди. Дастребки оқиш бўлган бу ғубор вакт ўтиши билан сарғиш-кўнғир тусга киради. Кузда, узум пишиб бўлгандан кейин каналар кишилаб чикадиган жойларга яширинади.

**Кураш чоралари.** Ток канасига қарши курашиш зарурати туғилса Пилармектин гектарига 0,2–0,25 л миқдорда ёки Диметоат препаратларини кўллаш мумкин.



**Кравчик (Хумбош).** Бу күнгиз серсув ўсимликлар, шу жумладан токнинг кўкламги барра новдалари билан озиқланади.

Битта күнғиз 4тадан 12 тагача кўк новдани кирқиб ташлайди. Тоғли ва тоғолди токчилик минтақаларида зааркунданда анча тарқалган. Кравчикнинг заарарлик даври 15–20 кун бўлган баҳорги тури ток тури учун энг ҳавфли ҳисобланади. У кенг тарқалган жойларда хосилдорлик 60–70% гача пасайиб кетиши мумкин.

**Кураш чоралари.** Эрта баҳорда ток новдалари ўз вактида кўтариб боғланади. Кўнғиз инларини бузиб ташлаши максадида МПВ–1(токзорлар тупроғига ишлов берувчи бир каторли машина) ёки бошка механизмлар ёрдамида туплар оралиғи тупроғига ишлов берилади. Ер бағирлатиб ўстирилган токзорлар ва сўрига кўтарилимаган ёш токзорлар атрофидаги майдон дориланади. Бу иш дастлабки кўнғизлар қишлоғи жойларидан чиккандан 3–4 кун ўтгач ( $10\text{m}^2$  майдонда 2–3 та ин топилгандан) бажарилади.

Препаратлардан ток меваҳўри ва олма куртига карши тавсия этилганлари қўлланилади. Фозалон 1 гектарга 1,5–2 кг. ҳисобидан олтингуругартга кўшиб чанглатилса ҳам бўлади.

**Токнинг оидиум (ун шудринг, кул, шўра) касаллиги** Узбекистон шароитида кенг тарқалган. Токлар бу касалликдан химоя қилинмаса, хосили 60–80% гача ёки бутунлай нобуд бўлиши мумкин. Замбуруғли бу касаллик токнинг ҳамма яшил қисмларини – тўпгул, гултож ва узум ғужуми, узум бандлари, новда, баргларни ҳам зааррлайди. У билан касалланган узум доналари майдалигича қолади, шаклини йўқотиб ёрилиб кетади.

Новдалари ривожланмайди ва яхши этилмайди. Натижада келгуси йил хосили ҳам кескин камаяди. Шунинг учун фермерлик хўжалиги ва томорка шароитида хомтоклар ўз вактида ва сифатли ўтказилмаса ишком ва сўриларда токлар калинлашиб кетса, узумлар ёрилади ва чириб кетади.

Касалликга айникса, кимматбаҳо – «Ҳусайн», «Каттакўрғон», «Қора кишиши», «Пушти тойфи», «Гўзал қора» навлари кўпроқ чалинади. Винобоп навлардан «Ҳиндогни», «Рқацители», «Кулжинский» навлари кўпроқ заарланади.

**Касалликнинг олдини олиш ва химоя чоралари.** Мавсумда шўра хомток, ғўра хомток ва узумзорларга сув югурган даврда, чилла чикқандан сўнг новдаларни қисқартириш ортикча баргларни олиб ташлаш зарур. Хомтоклардан кейин новдаларни яхши шамоллайдиган ва ёруғлик bemalol тушадиган килиб тарашиб керак.

Агротехник тадбирлар ўтказиш билан бир каторда токларга тўйилган олтингугурт билан ишлов бериш яхши самара беради.

Токларда биринчи маротаба эрта баҳорда новдалар боғланиб, 3–4 тадан чинбарг ҳосил бўлганда, 8–10 кундан кейин – иккинчи маротаба, ток гуллаб бўлгандан кейин 2 ҳафта ўтгач, учинчи маротаба олтингугурт чанглатилади. Узумзорларни ёшига ва калинлигига қараб тектарига 20 кг дан 35–40 кг гача олтингугурт сарфланади. Олтингугурт кукуни бўлмаса 1% ли хўлланувчи олтингугурт пуркалади.(100л сувга 1 кг). Вектра (100л сувга 30гр) препаратини ҳам кўлласа бўлади.

Томорка шароитида олтингугурт токнинг калинлигига қараб 10кв метрга 60–100 грамм сарфланади. Сувда эрийдигани 10 л сувга 100 гр солинади, новда ва барглар ўта хўл бўлгунича пуркалади. Томоркада калий перманганатини (марганцовка) ҳам кўлласа бўлади. (10л сувда 5–6 гр эритилади) 6–7 кун оралатиб 2–3 маротаба пуркалади.

**Доғли антракноз** (корасон, чечак). Бу замбуруғли касаллик токнинг барча яшил аъзоларини заарлайди. Баргларда кўнғир доғлар пайдо бўлади, новданинг пўсти ва ўзи ёрилади, қийшяди, мўртлашади, бутунлай куриб колиши ҳам мумкин. Узум шакли бузилади ва ёрилиб кетади. Бу касаллик кўклам ойлари серёгин келганда кўп ривожланади.

Кураш чоралари. Касалликка карши курашда агротехник чоралар профилактик характеристерга эга. Калий ўғитини кўпроқ бериш керак, шунда ўсимликнинг касалликка чидамлилиги ошади. Кузда ток кесишда заарланган новдалар ёкиб юборилади. Қатор оралари тупроқ қатламини ағдариб чукур хайдаш, зарур бегона ўтлар босишига мутлақо йўл кўймаслик керак.

Антракноз билан заарланган токзорлар, кузда кўмишдан олдин 3% ли бордо суюклиги (100 л сувга 3 кг мис купоро-

си ва 3 кг оҳак) билан барча занг ва новдалари ювиш дара-жасида пуркалади. Боли оҳак – олтингугурт қайнатмаси ҳам самаралидир. Баҳорда, ўтган мавсумда зааралланган токзорлар куртак чикириши биланоқ 1% ли бордо суюклиги (100 л сувга 1 кг мис купороси ва 1 кг оҳак) билан пуркалади. Бу даврда оҳак олтингугурт қайнатмасини (ИСО) 1 градуслигини кўлласа ҳам бўлади. Топсин (100 л сувга 100 гр) ёки Вектра (100 л сувга 30 гр) препаратлари ҳам самаралидир. 10–12 кун ўтгач токзорлар қайта пуркалади. Томоркада ҳам куртак ёзила бошлаганда 1% БС сепилади. (10 л сувга 100 гр мис купороси ва 100 гр оҳак) 7–10 кун ўтгач тақорланади.

**Бактериал рак (буқоқ).** Касалликни келтириб чиқарувчи бактериялар токнинг зангларида ва илдизга яқин қисмиди йўғонлиги 10–15 см гача бўлган рак шишларини келтириб чиқаради. Токнинг ривожланиши сусаяди, айrim занг ва новдаларни баъзан ток тушининг ўзини ҳам куритади. Кузда яхши ёпилмаган ва совуқлардан шикастланган токзорлар рак касалига кўпроқ чалинади.

### **Кураш чоралари.**

Бу касаллик одатда зааралланган токлардан тайёрланган кўчатлар орқали тарқалади. Шунинг учун каламчалар нихоятда соғлом туплардан олиниши керак.

Зааралланган новда ва занглар токзордан олиб чиқиб ташланади ва ёқиб юборилади. Бордо суюклиги ва оҳак – олтин гугурт қайнатмаси антракноз касалига қарши қандай кўлланса, рак касаллигига қарши ҳам шундай пуркаш сифати юкори бўлиши керак.


**Хлороз – токбаргларининг сарғайиши.** Бу касалликка чалинган токзорларда новдалар ўсишдан тўхтайди, тўпгуллар сарғайиб, тўкилиб кетади, барглар рангини йўқотади ва куриб колади.

Хлорозга қарши курашув ток ёшини ҳисобга олган холда бир тупга 0,3–1 кг ҳисобида темир купороси ишлатилиди. Препарат кузда 25–30 см чуқурликда қазилган туп атрофидаги арикларга солиниб, устига тупроқ ташланади ва суборилади. Сернам ерлар тупроғи юмшатилади ва нами кочирилади.

## ТОК КАСАЛЛИКЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ!

Касаллик номи	Тиним даври	Күртак бүртиши	Тұлғақ тұлдаш	Гуллашдан кейин	Ұзум доналарини юмшоқлашып вакти	Теримдан олдин/кейин
Ұзум чириши	+++	-	++ <sup>1</sup>	++ <sup>1</sup>	++ <sup>1</sup>	++ <sup>1</sup>
Мильдю	-	+++	+++	-	-	-
Оидиум (шүр)	+++	++ <sup>2</sup>	++ <sup>2</sup>	+++	+++	+++
Ёзги чириш	-	-	++ <sup>1</sup>	++ <sup>1</sup>	++ <sup>1</sup>	++ <sup>1</sup>
Антракноз	+++	мй	мй	мй	мй	мй

122



**Самарадорлиги:** +++ = энг самарали, ++ = ўртача самарали, + = кам самарали, ---- = самарасиз, мй = маълумот йўқ

1. Ёмғир ёғиш эҳтимоли бўлсагина сепинг

2. Ҳар йили куртак бўртишида ва тўлик гуллаш вактида ва шу оралиқда ишлов беринг.

		Ишлов бериладиган муддат		
Касаллик номи	Препарат номи	Эслатма: Касалликни назорат килиш учун барча кўрсатилган даврларда пуркаш зарур бўлмаслиги мумкин. Препаратларни самарасини ошириш учун Тренд 90 сирт фаол моддасини иичи эритмага қўшиб пуркаш керак.	Сарф меъёри кг/га ёки л/га	Хосилни йигишгача ишлов тутгалланади(кун)
Антрак-ноз	Бордо суюклиги (БС)	Тиним даврида 2 марта гача куз ва баҳорда 3% ли ишчи эритма сепинг	10–20	25

Оидиум	Колосаль/Пи-паркур	Новдалар 20–25 см ўстанда ишлов беринг	0.15	30
	Торсо/Энтоли-кур		0.15-0.25	30
	Тўйилган олтингугурт	Сувда эрувчан олтингугуртни куртак бўртишида сепиш самаралидир. Бахор салқин келиб ўсув секин бўлса 14–21 кундан кейин такроран ишлов беринг	20-30	30
	ИСО	Тиним даврида пуркаш юкори самара беради. Ушбу ишлов оркали узум чириши касаллигини ҳам кисман назорат килиш мумкин	0.5-1.0	-

<b>Мильдю</b>	<b>БС/Мис купороси</b>	Тиним даврида 3% ли БС билан ва 1% ли мис купоросини эса биринчи ўсув 1,5 см бўлганда ва тақоран 10–14 кун оралатиб ишлов беринг	10-20	25
	<b>Редомил голд</b>	Агар тиним давридаги препаратлар мильдюни назорат қила олмаган бўлса, гуллашдан аввал ва гуллашдан сўнг Редомил/Курзат ва шунга ўхаш препаратлар билан ишлов беринг. Зарур холларда ўсимликнинг ўсув даврида токлар касалланишидан олдин ёки биринчи 3 кунида сепинг	2.0	30
	<b>Курзат</b>		2.0	30

Бордо суюклиги нотүғри ишлатилганды (совук нам ҳавода ишлатылса ёки иссик пайтда) баргларда куйип алматлари ва мис купоросига таъсирчан узум навлари заарланиши мүмкін. БС ҳаво иссик пайтида пуркалса баргларнинг сарғайиши ва тўқилишига олиб келиши мүмкін. Агар, ўсув даврида бордо суюклиги пуркалгандан сўнг 12 соат ичидаги ёмғир ёғса баргларни кўйдириш экҳтимоли бор. БС ни пуркаб бўлгандан сўнг пуркаш ускуналарини 3 марта сув билан чайиш керак.

Мильдюни назорат килиш учун тиним даврида БС ли ёки мисли препаратлар ишлатылса улар оидиум касаллигини ҳам олдини олади.





Фунгицидлар касалликни олдини оловчи (Бордо суюклиги/мис купороси ва даволовчи (Редомил Голд/Курзат) турларга бўлинади. Даволовчи препаратларни кечи билан касаллик тушгандан 3 кун



ичида сепиш керак, агар кеч сепилса касалликнинг чидамилиги ортади. Мильдю ривожланиши учун намлик жуда катта хисса қўшади ва касаллик токни 1.5 соатда заарлайди. Касаллик барг ва тупроқда қишлиайди. Мильдюнинг ривожланиши учун энг қулай ҳарорат 20–25 °С ва ҳарорат 10 °С дан тушганда 29 °С дан ошганда касаллик ривожланмайди. Узум доналари йириклишиши билан мильдюга чидамли бўлиб боради. Заарланган узум доналари тўкилиб кетади ҳатто узум бошининг ҳам тўкилиши кузатилади. Токларни куртак бўртишидан назорат килиб бориш керак. Гуллашдан аввалги 2–3 ҳафта мобайнида токлар мильдю билан заарланади. Агар шу вактда ёмғирли мавсум бўлиши кутилса касаллик тушишининг олдини оловчи препаратларни кўллаш зарур.

## **ТОК КҮЧАТЗОРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ**

Янги ток күчатларини күпайтириш.

Узум навини унинг уруғидан, қаламчадан, куртагидан (куртакли пайвандлаш орқали), кесилган новдасидан (пайвандтагга пайвандуст сифатида улаш орқали), ён новдасидан (пархиш қилиш усули, яъни ён новдасини ерга кўмиш орқали) ва тўқималаридан фойдаланиб кўпайтириш мумкин. Қандай услубда кўпайтириш асосан бир неча омилларга боғлиқдир: тупрок таркибида патоген (касаллик кўзгатувчи) микроорганизмлар бор ёки йўқлиги, токзор жойлашуви, минтака иклим шароити, токчи соҳибкор тажрибаси ва токзорга жалб қилиниши мумкин бўлган ишчи кучи.


Деярли барча ток новдалари қаламчадан кўпайтирилади. Қаламчалар илдиз отиб олгунча одатда бир йил давомида кўчатзорда парвариш қилинади. Қаламчалар бир йил давомида ўзларини тутиб олганидан сўнг, уларни кўчат сифатида ўтқазиш билан бирга, уларга бошқа навларни пайвандлаш хам мумкин. Пархиш услубидан одатда қаламчалари илдиз отиши қийин кечадиган навларни кўпайтиришда фойдаланилади.

### **Қаламчалар билан ишлаш**

Токларни қаламчадан кўпайтиришнинг биринчи боскичи тиним давридаги токнинг бир йиллик новдаларидан куртакли қаламчалар кесиб тайёрлашдан иборат. Қаламчаларни қишки уйку даври давомида ҳар қандай пайтда кесиб олиш мумкин бўлсада, одатда тажрибали токчи боғбонлар кузда кесиб олишади.

Кўпайтириш учун энг яхши қаламчалар соғлом, ўз наянинг энг яхши намунаси бўлган ток новдаларидан кесиб олинади. Қаламчалар ўз таркибида етарлича углеводга бой озукаларни жамлаган бўлиши лозим, чунки улар ерга суқилгандан кейин бирмунча муддат илдиз ва новдалар ривожи айнан шу озукча ҳисобидан таъминлаб турилади. Илдизлар ривожланиб олгач, кўчатлар озукани тупрокдан ола бошлайдилар. Кўпайтириш учун яхши қаламчаларни саралаб олиш

токнинг кейинги хаётидаги соғлиғи ва ўсиб, унишида мухим ахамиятга эга. Қаламчаларни кўпайтириш кўзда тутилган навнинг энг яхши намуналаридан олиш керак. Қаламчалар бошқа навдан кесиб олинган бўлса, бу нав кўпайтиришдан кўзда тутилган мақсадларга тўғри келмаслиги ва натижада бундай хатони тўғрилаш учун кўпайтириш жараёнини бошқатдан бошлаш ёки пайвандлаш услубидан фойдаланиш мумкин. Бу ҳар икки усул ҳам кўп вакт ва ҳаражат талаб килиб, қаламчаларни саралаб олишда бироз эътиборли бўлиш токчи соҳибкорларни бундай ноўрин ҳаражатлардан ҳалос қилади. Ток нихолларини қаламчалар орқали кўчатзорларда тайёрлаганда, уларни кўкариб илдиз отиши 90% ёки ундан ҳам ортиқ бўлиши мумкин. Бу усулда тайёрланган нихоллар бир йилдан сўнг баҳор мавсумида экишга тайёр бўлади. Куйида қандай килиб ток қаламчалари орқали кўчатзор барпо килиш бўйича маълумот берилган. Катта кўчатзор барпо кильмокчи бўлган фермерлар учун бу ердагидан ҳам кўпроқ маълумотлар талаб этилади. Қаламчаларни тайёрлашда факатгина бир ёшли ток новдаларидан фойдаланиш керак. Кесиб олинган қаламчаларнинг қуриб колишини олдини олиш учун уларни куйидаги усулдан фойдаланиб тупроқда саклаш мумкин. Қаламчаларни 100 тадан килиб боғланг. 2 метрга 1 метр чукурликда чукур қазинг. Чукурга боғланган қаламчаларни жойлаштиринг. Уларни тупроқ билан тўлиқ кўмиб беркитинг.





Чукурдаги қаламчаларни нам ҳолатда сакланг. Агар хаво курук бўлса, қаламчалар чукурга кўйгандан сўнг уларга сув куйинг. Қаламчаларни куриб колмаслиги учун нам ҳолатда сакланг. Қаламчаларни сувда кўп сакла-

манг акс ҳолда қаламчалар ўз танасида йиғилган энергия заҳирасини сарфлаб, куртакларни уйғонишига олиб келиши ва натижада қаламчаларни нобуд бўлишига олиб келади.

### Қаламчаларни кўчатзорга экиш учун тайёрлаш


Қаламчани 35 см дан узун бўлмаган узунликда кесинг. Қаламчани энг юкорида жойлашган куртагидан 5 см баланддан диоганалига (киялатиб) кесинг.



Қаламчанинг юкори  
кисмидан диоганалига  
кеシリган.



Қаламчанинг ерга сукиладиган пастки  
кисмida жойлашган куртак тагидан  
текис килиб кесинг.



Қаламчаларни илдиз олишини тезлаштирадиган сув аралашмасига 24 соат мобайнида солиб қўйинг.



Пичок ёрдамида, энг юкорида жойлашган 2 та куртакдан бошка барча қаламча куртакларини кесиб ташланг.

### Қаламчани илдиз олишини тезлаштирадиган сув аралашмсини тайёрлаш

Бир сиқим арпани болға ёки тош ёрдамида майдаланг. Майдалангтан арпани 15 литр сиғимга эга челякка солинг ва қаламчаларни шу аралашмада бир кун колдиринг. Қаламчалар куртакларини юкорига қаратиб қўйинг.

Агар қаламчалар жуда кўп бўлса, чукур қазиб уни целофан билан коплаб арпа-сув аралашмаси билан чукурни тўлдиринг ва қаламчаларни солиб қўйинг.



## Күчтазорни экишіга тайёрлаш

Аркон ёрдамида каламча экиладиган пушталарни тайёрланг. Пушталар шамол йұналиши бўйлаб жойлашиши керак.



Пушталар бир-биридан 50 см масофада бўлиши керак. Пушталар тайёр бўлгандан сўнг, битта катор бўйлаб бир-биридан бир карич узокликда қаламчалар экилади.

Қаламчаларни пуштага чукур килиб сукиб чикинг. Куртакларни тупрок юзасидан тепада колдилинг. Қаторларда қаламчалар орасидаги масофа канча бўлиши кераклиги расмда кўрсатилган (кўлингизни энича).



Қаламчалар күртак отиши учун суғоришдан бошқа ишларни бажариш талаб этилмайды.

## ПАЙВАНД ҚИЛИШ

### Пайвандуст қаламчалар

Илдиз отиб ривожланувчи қаламчаларни саралаш белгилари пайвандуст қаламчаларни саралашда ҳам ишлатила-веради, аммо пайвандуст қаламчалар учун ҳажм мұхим ўрин тутади. Бундай қаламчалар түғри бўлиши, йўғонлиги (диаметри) 7–10 мм дан, бўғимлар оралиқ масофаси эса 7 см дан ошиб кетмаслиги керак. Бўғимлар оралиқ масофаси катта бўлган новдалар кесилгандан пуччайиб (ичи бўшашиб) пайвандуст учун яроксиз бўлиб колиши мумкин.

### Кўчатларни пайвандлаш

Кўчатларни пайвандлаш деб 2 хил ўсимлик кисмларини ўзаро бириттириш оркали битта ривожланувчи ўсимлик хосил қилиш жараёнига айтилади. Кўчатларни оддий пайвандлашда пайвандтаг ва пайвандустдан фойдаланилади. Пайвандтаг кўчатнинг остки кисми бўлиб, у асосан дарахтнинг илдиз кисмини ўз ичига олади. Пайвандуст эса кўлпайтириш кўзда тутилган навга тегишли новда қаламчадир. Уларнинг бирикиш кисми пайванд жойи деб юритилади.

### Токларни пайванд қилишдан мақсад

Токлар қуидаги сабабларга кўра пайванд қилиниши мумкин:

- Касаллик ва зарапкунанда ҳашаротларга чидамли илдизларда ток етиштириш;
- Кескин тупрок шароитига чидамли илдизларда ток етиштириш;
- Бир турдаги токзорга хато туфайли аралашиб қолган бошқа турдаги токлар навини ўзгартириш;
- Бутун токзор навини ўзгартариш;
- Янги ва ноёб навни кўлпайтириш.

## **Муваффакиятли пайванд шартлари**

Пайванд қилинган кўчатнинг яхши ривожланиб ўсишида куйидаги омиллар катта ўрин эгаллади:

- Пайвандтаг ва пайвандустнинг ўзаро мос келиши;
- Ҳаво ҳарорати ва намлик даражасининг қулай бўлиши;
- Кўчат атрофига ҳаво айланиши;
- Пайвандтаг ва пайвандуст камбий қатламларининг ўзаро бирикиши;
- Пайвандтаг ва пайвандустнинг ёш ва ўсувланини.

Ўзаро мос келиши деганда пайвандтаг ва пайвандустнинг қисмларнинг биологик ва кимёвий жихатдан бирга уйғунликда ривожланиб кета олиши назарда тутилади. Пайванд қилинган кўчатнинг ўсиб кетишига кафолат берувчи коидалар йўқ. Умумий қоида сифатида айтиш мумкинки, икки ўсимлик ботаник хусусиятлари бир-бирига канчалик якин бўлса, уларнинг пайванди ривожланиб кетиш имконияти ҳам шунчалик юкори бўлади. Бундан ташқари пайванд қилинган қисмлар канчалик ёш бўлса ва ташки мухит шароити қулай бўлса, уларнинг авж олиши ҳам шунчалик тез рўй беради. Қишки пайвандлашни пайвандуст қаламчалар уйғониб, ривожланишини бошлаган даврда амалга ошириш яхши натижага олиб келади. Қиши бошида пайвандлаш учун саралаб кесиб кўйилган қаламчалар қишки уйқудан эрта уйғониб кетмаслиги учун уларни салқин жойда саклаш керак. Ёзги пайвандлаш новдалар жадал суратлар билан ўсаётган даврда энг яхши натижа беради.

## **Тувакда (хона шароитида) пайвандлаш**

Авваллари зааркунандаларга чидамли илдизли ток навларини кўпайтиришда тувакда пайвандлаш усулидан кенг фойдаланилган. Кўчатларни бу усулда пайвандлаш одатда ёруғлик яхши тушадиган хона шароитида кеч қиши ва эрта баҳорда амалга оширилади. Янги пайванд қилинган кўчатлар иссик хона шароитида бир йилгача парвариш қилиниб, кейин токзорга кўчирилади. Битта куртакли пайвандуст қаламчалар илдиз чиқариб улгурган пайвандтакка ёки ўз туридаги бир йиллик пайвандтакка уланиши мумкин. Бир йиллик пайванд-

такка уланган күчатлар түгридан-түгри токзорга экилиши мумкин.

## **Күчатзор учун жой танлаш**

Күчатзор учун энг яхши жой бу унумдор, сув тортувчан ва касалликлардан холи юмшоқ, кумок тупрокли майдондир. Майдон сатхи имкон кадар текис, атрофи шамолдан ихота килингандай, юкори кисми күёш нурларига очик, шунингдек, күчатзорга оқизиладиган сув таркиби суғориш учун кулай бўлиши керак. Янги күчатзор учун бир неча йил давомида кузатишлар олиб борилган ерни танлаш касалликлар ва хосилдорлик билан боғлик муаммоларни камайтиради.

## **Жойни тайёрлаш**

Ривожланаётган мамлакатларда унумдор ва сув тортувчан кумок тупрокли ерлар күчатзор ҳосил қилиш учун энг кулай жойлар хисобланади.

## **УЗУМНИ ҚУРИТИШ УСУЛЛАРИ**

Узбекистоннинг иқлим шароити узум қуритиш учун ниҳоятда кулай. Иссиқ ёзниң давомийлиги, нисбий намликтининг паст бўлиши, аъло сифатли майиз ва хўраки узум навларининг етиштирилиши, ҳалқнинг анъанавий тажрибалари, шунингдек фан ютуклари, күёшли очик ҳавода ва сояда мева қуритиш усулларидан кенг фойдаланишга, кам маблағ сарфлаб, юкори сифатли маҳсулот олишга имкон беради.

Қуритиш учун товар сифати юкори бўлган хом ашёни кескин кўпайтириш мухим вазифа хисобланади. Бу вазифаларни муваффакиятли адо этиш учун ҳар бир хўжаликдаги токзорда комплекс агротехника тадбирларини энг кулай муддатда тўлиқ ва юкори сифатли қилиб ўтказиш зарур.

Қуритилган маҳсулот микдорини кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш учун ҳосилни териб олишга икки ҳафта колганда ток барглари олиб ташланади, новдалари чеканка қилиниб, суғориш тўхтатилади. Чунки мева таркибида



шида инсон организми учун заарсиз бўлган жуда оз микдорда органик тузларнинг пайдо булиши кузатилади. Куритиш учун ёйилган узумлар  $3^1$  кундан кейин агдарилади ва тайёр бўлгунга кадар куритилади. Куритиш 6-12 кун давом этади. Куритилган махсулот чикиши 25-26% ни ташкил килади.

Махсулотнинг ёгин-сочиндан ва ифлосланишдан химоя килинмаслиги бу усулнинг камчиликларидан биридир. Бундан ташкари оч рангли узум навлари бу усулда куритилганда, улар табиий кўк рангни йўқотади, тайёр махсулот кора -жигарранг тue олади, натижада сифати пасаяди ва махсулот бирмунча паст баҳоларда сотилади.

### **Қуритишнинг офтоби усули**

Бу усул узум эрта пишиб етиладиган зоналарда кадимдан кўлланилиб, мевага дастлабки ишлов берилмаган холда ўтказилади. Бу усулда асосан Қора кишмиш нави куритилади. Ёингарчилик бошлангунга кадар куримаслиги сабабли йирик донали узум навлари офтоби усулида куритилмайди. Ҳар бир бош узум сортларига ажратилади ва ишлов бермасдан, юпка килиб, ёгоч патносларга ёки олдиндан - сомонлой билан сувалган куритиш майдонларига ёйилади.

Узумнинг «Қора кишмиш» навидан олинган махсулот - шигани, «Ок кишмиш» навидан олинган эса - бедона деб аталади. Куритиш 18-20 кун давом этади, 22-25% куритилган махсулот олинади, намлиги 18% ни ташкил килади.

### **Узумни плёнка остида куритиш**

Ёингарчилик кўп бўладиган районларда жойлашган хўжаликларда узумни жадал куритиш мавсумида ёгин- сочин бўлиб, хўжаликлар кўпинча зарар кўради. Узумни плен-

ка ёпилган палаталарда қуритиш усули академик Р.Р.Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чикариш бирлашмаси томонидан ишлаб чикилган ва си наб күрилган бўлиб, бу ҳакда куйида баён килинади.

Ярим очик палата куйидаги катталика бўлади: эни – 4 м энг баланд тела кисми – 2 м 40 см, ён деворлари баландлиги 1,60 см, битта секция узунлиги – 4 м. Палатанинг иккала ён томонига патнисларни жойлаш учун этажеркалар ўрнатилади. Патнисларни жойлаш учун ҳар кайси этажеркаларда 10–12 тадан параллель пазлар мавжуд.

Этажерка катталиги 60x90x160 см. Ҳар бир патнисга 60–80кг узум кетади. Палатанинг битта секциясига 10 тагача этажерка ўрнатилади ва ҳар қандай секцияда бир йўла 0,6–0,8тонна хўл мева қуритиш мумкин.

Палатанинг тела кисми ярим очик, яъни эгилган ясси томони тахминан ярим очик ҳолатда. Бунда устки чоклар остики чокларни қоплаб туради ва шу билан бирга меваларни ёғин сочиндан саклайди. Палатанинг ён деворлари ердан 40 см баландликда плёнка билан беркитилади.

Палата ичидаги ҳарорат атроф-мухитдаги ҳароратга нисбатан 2–7оС юкори бўлади. Палата лойихаси меваларни қуритиш жараёнида пайдо бўлган буғларни чикариб юбориш билан табиий ҳаво алмашишини таъминлайди этажеркалар орасидаги ўтиш масофаси (150 см) келгусида патносларни ташиш ишларини механизациялашга имконият яратади.





### **Узумни қатор ораларидаги куритиш**

Узум куритишнинг ҳамма анъанавий усулларини қўллаш натижасида умумий куритилган маҳсулот миқдори қўпайиб, куритишнинг сомонли лой билан сувалган очик-майдонда куритиш натижасида ер майдонидан унумли фойдаланилмайди.

Минг тонна узум хомашёсини куритиш учун 20 га якин хўжалик еридан олишга тўғри келади. Ундан ташкари, теримни ташкил килиш, яшикларга жойлаш ва янги узилган

узумни куритиш майдонига транспорт воситасида ташиб келиш учун ҳам қўшимча маблағ ва қўл меҳнати керак бўлади.

Узумзорни ўзида катор ораларида куритиш учун токни тик шпалерага ёки ерда ётқазиб ўстирилган ҳолатда ва  $3 \times 2,5$  м схемада экилган токзорлар кулай келади.

Ўзбекистоннинг жанубий-тарб зонасига «Қора кишмиш» ва «Оқ кишмиш» навлари куритиш учун тавсия этилади. Токзорларга ишлов бериш ва уларда агротехник тадбирларни ўтказиш тавсияларга асосланиб берилади.

Узум хосилини ва ундан чикқан маҳсулотни кўпайтириш максадида узум теришдан 2 ҳафта олдин ток баргларини сийраклаштириб, новдаларнинг чеканкасини ўтказиш керак ва шу билан бир каторда суғориш ишларини тўхтатиш керак бўлади, чунки ортиқча сув қўйиш, куриш муддатини чўзиб юборади ва қуриган кишмиш сифатига салбий таъсир этади. Чеканка ўтказилгандан кейин катор ораларидаги тупрок устига коғоз ёзиш ва узумни ёйишга боғлик тайёргарлик ишлари ўтказилади. Майдоннинг ҳажми узум миқдори ва районнинг метеорологик шароитига боғлик.

Хўжаликда юкори ҳарорат ва ҳавонинг нисбий намлиги паст бўлса, кам майдон талаб килинади, агар ҳарорат паст бўлиб, намлик юкори бўлса, кўп майдон талаб килинади. Уртacha  $1\text{m}^2$  тайёрланган майдонга 10 кг дан 16 кг гача янги узилган узум жойланади. Гектаридан 100 цн. Узум олинадиган майдондаги хомашёни куритишга қўйиш учун 150–250 кг, эни 120 см ли коғоз, 50 кг ҳажмли 50–55 дона куритилган кипомиши жойлаштириш учун қоғоз қоплар керак бўлади.

Катор йўналишига қараб куритиш учун майдонлар нишаблиги жанубга қараган бўлиши керак. Катор оралигига узум куритиш учун майдончалар қўйидагича тайёрланади. Вертикал тик шпалеранинг жанубдан шимолга йўналганда эни 120 см бўлган доира юзали, марказининг баландлиги 10–15 см бўлиб, 8–10 см чукурликдаги арикчалар ҳосил қилинади, икки томондан теримчилар учун йўл колдирилади.

Терилган узум олдиндан ёзилиб қўйилган коғоз устига бошлари бир катордан жойланади. Узум миқдорига кўра хўжаликнинг метеорологик шароитига қараб, ҳар бир  $\text{m}^2$  майдонга 10–16 кг узум жойланади. 8–10 кундан кейин узум

сўлигач, узум боши тўнкарилиб қўйилиб куриш охиригача шундай колдирилади. Узум маҳсулоти стандарт намлик 18% бўлганда ажратилган алоҳида жойда тозаланади.

Самарқанд вилоятининг Иштихон тумани “Минг чинор” хўжалигида 5 йил давомида ўтказилган тадқикотлар (1995–1999 й.) ижобий натижалар бериб, токнинг ётказиб ўстирилган схемасида олинган хосилни куритганда ўша срнинг ўзида тайёр куриган маҳсулот олинди, яъни у қўшимча вакт куритиш агрегатларда куритилмади.

Куёш радиациясининг узум пишиши ва куритиш даврида интенсив равишда активланиши, узум доналарида канд микдорининг кўпайиши Самарақанд ва Ургут туманига нисбатан 15–20 кун олдинрок етилади.

Мана шундай минтақалардан энг яхшиси Иштихон ва Кўшрабод туманилариридир. Ўзбекистоннинг жанубий ғарбидаги узумни қатор ораларида куритишни тавсия этамиз. Бу усулда куритилганда токнинг вертикал тик шпалери ёки ётказиб ўстирилган ва  $3 \times 2,5$  м схемадаги ток бўлиши керак. Бу холда қофоз кенглиги 120 см бўлиши шарт. Қатор ораларининг шимолдан жанубга ёки ғарбдан шарққа йўналиши ишлаб чиқаришдаги айрим вазиятларга боғлик бўлади ва бу масалани хўжаликни ўзида ҳал қилинади.

СКО–90 м конвейер сушилкадан фойдаланиши

Академик Р.Р.Шредер номидаги илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг Самарқанд филиали Украина Фанлар академиясининг Киев ОКТБ ИТТФ билан ҳамкорликда узумни СКО–90 м конвейер сушилкада куритиш усулини ишлаб чиқди.

Бу сушилка соатига 250000 ккал иссиқлик энергия ишлаб чиқарадиган тўртта иситиш генератори мавжуд бўлган ТГ–2,5А маркали мосламадан иссиқлик энергия олади. Иситилган ҳаво вентилятор ёрдамида секундига 1,5 м тезлигига куритиш камерасига узатилади, камера ичидаги бешта транспортер лента мавжуд. Узум камеранинг юкори қисмидаги биринчи лентага юклагич транспортер ёрдамида бир бош ғужум калинлигига тушади.

Дастлабки куритиш даврида «Ок кишиши» майизбоп узум навлари учун камера ҳарорати  $90^{\circ}\text{C}$  га етказилади,

пўсти калин, эти бирмунча тиғиз бўлган «Қора кишмиш»ни куритиш учун харорат 80–85оС булиши керак. Ҳар бир партиядаги узум камера ичидаги иситилган хаво келганда узумлар 60–70оС да қуритилади. Узум куритиш пайтида камера ичидаги харорат ҳар бир партия узум таркибида дастлабки намлик миқдори ҳисобга олган холда созланади.

Узумни мураккаб усулда куритиш иктиносидий жиҳатдан бирмунча фойдали ва максадга мувофиқдир. Бунда узум очик майдонларда куритилади, куритиш мавсумининг иккинчи даврида эса, яъни куёш активлиги пасайган пайтда офтобда сўлиган узумлар йиғиб олингандан сўнг СКО 90 м агрегатида қуритилади.

Узумни очик майдонларда куритиш натижасида ёнилғи сарфи камаяди, ҳамда сушилканинг иш унумдорлиги ортади. Куритилган маҳсулот бўйича сушилка иш унумдорлиги соатига 70 кг ни ташкил этади, мураккаб усулда куритилганда эса бир соатда 170 кг қуруқ маҳсулот тайёрланади. Айни пайтда бир соатда 40кг ёнилғи сарфланади. Стандарт намлика (18%) ва сифати яхши бўлган узумлар 25–26% ни ташкил киласиди.

Мураккаб усулда тайёрланган маҳсулотлар камера-да бирмунча паст ҳароратда (75–80°C)да қуритилади. Узум қуритипнинг у ёки бу усули тўғри қўлланилганда, уларнинг республикамизнинг хоҳлаган районларида амалга ошириш мумкин. Шулар ҳисобга олинган холда биринчи навбатда окрангли кишмиш навларини қуритиш тавсия қилинади.

Ҳар қайси маҳсулот тури учун энг яхши натижа берадиган қулай қуритиш усулларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этишга ва пировард натижада бир суткада 5–10 тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган механизациялашган узлуксиз линиялар билан жиҳозланган йирик мева куритиш корхоналарини қуришга имкон беради.

## **УЗУМ ЕТИШТИРИШ ВА МАЙИЗ ҚУРИТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

«Sharq» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент – 2013

Мухаррир *Гулнора Ҳайтова*  
Бадиий мухаррир *Толиб Қаноатов*  
Техник мухаррирлар: *Бекзод Каримов, Райно Бобохонова*  
*Саҳифаловчи Асал Нисанбаева*

*6000 штук*

**Нашр лицензияси А1 201, 28.08.2011 й.**

Теришга берилди 3.09.2013. Босишига рухсат этилди 15.11.2013.  
Бичими 60x90<sup>1/16</sup>, «Times New Roman», гарнитураси. Шартли  
босма табоғи 9,0. Нашриёт-хисоб табоғи 5,2. Адади 4000 нұсха.  
Буортма №3229. Баҳоси келишилган нархда.

**«Sharq» националь-матбай акциядорлик компанияси босма-  
хонаси, 100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турун, 41.**